

МАҲМУДА ВАЛИЕВА

ОТАМ
ЯШНАТГАН
БОҒЛАР

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2007

65.9(59)

Ушбу китобни муҳтарам падари бузрукворим, отам — Зоирхон Жалиловнинг ёрқин хотирасига бағишиладим. У киши узоқ йиллар раҳбарлик лавозимида ишлаган, эл-юрт фаровонлиги, тўкин дастурхони, файзли турмуш тарзи учун жон куйдирган фидойи инсон эди. Гарчи отам бу дунёни тарк этганига 20 йилга яқин вақт бўлса-да, ҳамон Тошкент тумани аҳли заҳматкаш, ишбилармон, янгиликка ўч бўлган са-мимий бу инсонни ҳурмат билан тилга олади.

*Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолгуси яхши ному иши.*

Дарҳақиқат, отам ўзидан яхши ном, зэгу иш қолдири. Унинг ибратли ҳаёт йўли фарзандлари, неварари эвараларига ўринақ бўлишга лойиқ. Афсуски, отам ҳаётдан эрта кетгани учун неварари эваралари, ҳозирги авлоди унинг кўп фазилатларини яхши билмайди. Ушбу китоб бўлғуси авлодларига боболари ҳақидаги бир хотиротdir. Унда матбуотда эълон қилинган ва айрим сабабларга кўра чоп этилмай қолган баъзи материаллар, у билан замондош бўлган дўстлари ҳақидаги очерклар, отам хотирасига бағишиланган шеърлар берилмоқда.

10 33150
291

028	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston M
A100	

ISBN 978-9943-08-099-7

© Маҳмуда Валиева. «Отам яшнатган боғлар», «Янги иср авлоди»
HMM, 2007 йил

СҮЗБОШИ

Мен учун бебаң бир хазина — падари бузрукворимнинг бир қатор ён дафтарчалари бор. Уларда қишлоқ хўялиги, экинларни парваришилаш, чорвачиликдаги илғор тажрибалар, ҳар кунги қилиниши зарур бўлган иш тартиби ёзилган. Яна бирида эса дўсту ёлар манзилгоҳи битилган. Бу манзилгоҳлар республикамизнинг барча вилоятларини қамраб олади. Демак, отамнинг дўстлари кўп бўлган, улар турли касб эгалари, турли миллат вакиллари ва турли вилоятда яшовчи, лекин қалбан бирбирига яқин бўлган инсонлар.

Ён дафтарлардан яна бири менга ўзига хос томони билан қадрли. Унда тўртликлар, доноларнинг ҳикматли сўзлари ёзилган. Отам ўзларига ёққан сатрларни қайд қилиб қўйганлар. Мана, улардан бири:

Яхши хулқли бўлгил ҳамда соф кўнгил,
Одамларга доим инсофли бўлгил.
Бу меҳнатхонада яхшию ёмон
Учрайди, яхшилик қиласвер ҳамон.

Отам амалга оширган эзгу ишлар, одамларга қилган яхшиликларини эслар эканман, улар ҳазрати Жомийнинг ушбу пурхикмат сўзларини ўзларига шиор қилиб олганларига яна бир бор амин бўлдим. Эртаю кеч дала кезиб, соатлаб ўтадиган турли йиғилишлардан сўнг қай вақтда бу ён дафтарга ёзган эканлар, деб ўйлайман. Назаримда, ҳар бир ишга ҳавас, қизиқиш бўлса, имконият топилар экан-да.

1988 йилнинг кузида отам 61 ёшда ҳаётдан кўз юмдилар. Кутимаган бу жудолик биз — етти фарзанд ва онамни довдиратиб қўйди. Туман аҳлини ҳам қайғуга солди. Отамнинг айнироҳат кўрадиган, неваралар бағрида, фарзандлар ардоғида

яшайдиган вақтлари эди. Афсус, умрлари қисқа экан. Лекин шу қисқа давр ичидә катта ишлар қилиб улгурған отамни хотиралаб ёдномалар ёза бошладим, таскин топдим ёзғанларимдан. 1989 йилда Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигининг «Шоншуҳрат музейи»да отамнинг бюсти қад ростпади, бир хона ажратилиб, унда у кишининг ишларидан ҳикоя қилувчи лавҳалар муҳрланди. Халқнинг бу зътибори кутилмаган айрилиқдан изтиробга тушган қалбларимизга бироз таскин бергандек бўлди. Бюстнинг очилиш маросимида бир шеър қоралаб ўқиб бергандим, туман газетасининг бош муҳаррири бу шеърни газетада зълон қилишини айтди. Лекин шеърнинг нусхаси йўқ эди, мен ўша пайтдаги аҳволимизда уни қандай ўқиганимни ҳам эслолмас эдим. Орадан бир йилча ўтиб, туман газетасига бордим, шеърни тиклаган эдим, бироқ муҳаррир ўзгарган экан. Ниятимни айтгандим, янги муҳаррир Саъдулла Матёқубов «Отангизни биз ҳам яхши биламиз, жамоа аҳли учун кўп хизматлар қилган инсон эдилар, қаламингиз бор экан, бир очерк ёзиб келинг, бу шеър камлик қиласди, ҳажмини ўйламанг, давоми бор деб ҳам чоп этамиз» деб қолди. Саъдулла аканинг бу ишончи, отамга бўлган ҳурмати «Таскин» ва «Меҳрингиз қўмсайман, отажон» номли хотираларимнинг ёзилишига туртки бўлди. Кейинчалик отамнинг дўстлари ҳақида ҳам мақолалар ёздим. Улар «Истиқпол нури», «Тошкент ҳақиқати», «Қишлоқ ҳаёти» каби туман, вилоят, республика нашрларида зълон қилинди. Бу мақолаларга акс-садолар ҳам ёзилди. Шунда халқнинг отамга меҳру муҳаббати нақадар улуғ эканига яна бир бор амин бўлдик.

Бу китоб келажак авлодимизга боболари ҳақида билмаганларини билиб олишлари, аждодлари ким экани тўғрисида маълумот бериши мумкинлигини инобатга олиб ёзилди. Ўйлаймизки, унга фарзанднинг самимий битиклари сифатида баҳо берасизлар.

Муаллиф

I БҮЛІМ

ФАРЗАНДЛАР ОТАЛАР ҲАҚИДА

ТАСКИН

Ҳар сафар отам ҳақида ўйлаганимда, Ҳазрати Мир Алишер Навоийнинг ушбу сатрлари ёдимга келаверади.

Бу гулшан ичра йўқтур, бақо гули а сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.

Ҳақиқатан ҳам бу дунёда ҳеч ким мангу яшамайди, лекин ўз халқи, юрти учун фидойи кишининг номи абадий қолади. Мен ана шундай ажойиб одамнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман.

Отам Зоирхон Жалилов ҳаёт бўлганларида бу йил 80 бахорни қаршилар эдилар. Меҳрибон фарзандлари ва набиралари қабрларига эмас, ҳузурларига ошиқсан, дил сўзларини ўзларига айтишган бўларди. Лекин на чора...

Ўн тўрт ёшидан жамоа хўжалигида оддий ҳисобчи бўлиб иш бошлаган отам кейинчалик турли лавозимларда меҳнат қилдилар. 1964 йилдан то нафақа ёшига етгунга қадар Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигини бошқардилар. Раислик вазифаси ўта масъулият талаб этарди. Лекин отам бизнинг тарбиямиз учун ҳам вақт ажратар, ҳар биримизнинг кўнглимиизга йўл топардилар, ўқиш ва ишларимиз билан қизиқардилар. Суҳбатларимиз мароқли ўтар, хонадонимиз ниҳоятда файзли эди. Бизни ҳеч қачон талтайтирамасдилар.

1976 йил декабрида пахта теримида эдик. Ҳаво жуда соvuқ, қор ёқсан. Далада пахта қолмаган, лекин давр талабига кўра пахтазорда юришга мажбур эдик. Шундай кунларнинг бирида отам мендан хабар олгани Сирдарёга борди-

лар. Совуқданми, шамоллаб, касалхонада ётиб яхши даволанмай чиққанимданми, соғинчданми, билмадим, күзимда ёш мильтирай бошлади. Икки кунга олиб кетишларини илтимос қилдим. Бироз иккиланиб тургач, деканимиздан жавоб сўрагани «штаб»га кетдилар. Аммо деканимиз «Бу иш адолатдан бўлармикин?» дебди. Отам «Озгина сабр қил, қизим, домланг тўғри айтаяпти, сени олиб кетсан, ўртоқларинг хафа бўлади, ҳаммаси ҳам сен сингари қизлар-ку», деб юпатиб қайтдилар. Эртасига эса «адолатпарвар» деканимизнинг қизи уйига кетди. Кейинчалик отамга бу воқеани айтсан, кулиб: «Домланинг айтганини қил-у, қилганини қилма» дедилар.

Адажоним адабиётга, айниқса, шеъриятга меҳр қўйган дилар. Тил ва адабиёт факультетида ўқиганим учунми, доим мендан янги нашрлар ҳақида сўраб турардилар. Маҳалламизда Раҳим ака исмли жуда камтар, содда, шеъриятга ошно, ўзи ҳам баҳоли қудрат шеърлар машқ қиласидиган хокисор инсон бор. Отам уларни кўпинча уйга таклиф этиб, ёзган шеърларини ўқиб беришини илтимос қиласидилар. Раҳим ака баланд, ширали овозда берилиб шеър ўқирди, бундан завқланган отам уларнинг овозларини магнитофонга ёзиб олар ва шу заҳоти қўйиб эшиттирадилар. Раҳим ака эса: «шу шеърларни мен ўқидимми?» дегандек хурсанд бўларди. Районимиздаги шоир Тўхтамурод Деҳқонийнинг ҳам ғазалларини рўзномалардан қирқиб олиб, маҳсус папкаларда сақлаган эканлар. Яқинда шу папкани кўриб қолиб, ҳайрон бўлдим: «Бу ишларга қачон улгурган эканлар?»

Оилавий келишмовчиликлар туфайли жамоадаги ёшлар кўпинча уйимизга келиб туришарди. Отам ишдан чарчаб келганларига қарамай, улар билан суҳбатлашар, маслаҳат берар, ёшларни яраштириб қўйгач, бизга насиҳат қиласидилар:

— Ота-она фарзандига таҳт бериши мумкин, лекин баҳт беролмайди, баҳтли бўлиш кишининг ўз қўлида. Ёшлар ота-она розилиги билан турмуш қуриб, баҳтсиз бўлдим демай, оила тинчлиги, баҳти учун ҳаракат қилиши, курашибиши керак.

Отам иш давомида уйга келиб, кийимларини ўзгартириб кетадиган одатлари бор эди. Диң билан, озода кийинардилар. Дала айлангани алоҳида, мажлисларга, меҳмондорчиликка алоҳида, ўзларига яраштириб кийим киярдилар. Биздан ҳам доимо покиза юришни талаб қиласардилар. Отам түрт келин, уч куёв кўрдилар. Уларни доим «қизим», «ўғлим» дер эдилар. Ҳеч қачон «келиним», «куёвим» демаганлар. Катта келинойимнинг исмлари мен билан адаш экан. Тўйдан кейин ҳазиллашиб сўрадим:

— Энди бизларни чақирсангиз, иккаламиз ҳам югуриб келаверар эканмиз-да.

— Нега, сени Маҳмуда, келинойингни Маҳмудахон деяверамиз.

Отам келинойимларни жуда ҳурмат қиласардилар. Ўртанска келинойимни «Зуҳраой қизим», «ўқитувчи қизим» деб ардоқлардилар. Улар ҳозир Тошкент туманидаги 9-мактабда директор, Ҳалқ маорифи аълочиси. Тўрт фарзанднинг онаси бўлмиш «олий маълумотли ўқитувчи» келинойим раҳбарлик қилаётган мактаб Тошкент туманидагина эмас, республикада ҳам таниқли. «Отамиз бу кунларни кўрмадилар, кўрсалар қандай севинардилар? Уларнинг руҳлари мени қўллаб-қувватлайди», — дейди келинойим Зуҳра Жалиловава ва фикрини давом эттириб шундай ҳикоя қиласади:

— Олтин олма, дуо ол, дейди доно ҳалқимиз. Бизнинг отамиз ҳалқнинг дуосини олган, эл ҳурматини қозонган, қариндош-уруғлари, фарзандлари эъзозига сазовор бўлган, кишилар орзу қилса арзигулик умр кечирган азиз инсон эди. У киши раҳбарлик лавозимида ишлагантикларига қарамасдан, ўта камтар, ҳатто биз, келинларнинг узатган бир пиёла чойимиз учун ҳам «раҳмат қизим», деб миннатдорчилик билдирадилар. Раҳбарлик лавозимида ишлаш сермашақ-қат, чунки кўпчиликнинг кўнглини топиш, уларнинг истагини бажариш оғир. Айниқса, юқоридан берилган буйруқлар, хўжалик имконияти сифса-сифмаса бажарилиши лозим бўлган режалар софдил, ҳалқпарвар раҳбарнинг ишини мушкуллаштиради. Отам шундай оғир шароитда ҳам ишлади. У киши ҳалқа танилган, эл меҳрини қозонган, жа-

моа хўжалиги аъзоларининг энг яқин маслаҳатчиси, дардкаши, меҳрибон отахонига айланган экан. Бунга биз йиллар ўтиб яна амин бўляпмиз.

Отамиз ёлғиз ўғил эди. Оналари, яъни бувим 16 фарзанд кўрган, катта ўғиллари урушга кетиб, қайтиб келмаган. Баъзан қизиқиб сўрардик:

— Бувижон, нега отамизнинг исмларини Зоирхон қўйган-сиз. Акаларининг исми Насриддин экан-ку!

Бувижонимиз уҳ тортиб жавоб берардилар:

— Замон оғир эди, шифокорлар кам эди. Беш болам қизамиқдан нобуд бўлди. Иккитаси сувда оқиб кетди. Амакила-ринг урушдан қайтмади. Отанг ўз номи билан туғилган. Ҳасан-Ҳусан, Тоир, Заҳро, Рухкоралардан сўнг Зоирхон деб қўйганмиз. Икки қизим ва шу бир ўғлим қолган. Илоҳим ўзидан кўпайсин. Отанг ўнта ўғилнинг ўрнини босди.

Ҳақиқатан ҳам отамнинг бувимга муомалалари жуда са-мимий эди. Ҳар куни саҳарлаб туриб ишга отланар, аввало, бувим ҳузурига кириб, одоб билан салом берар, ҳол-аҳвол сўрардилар. Бувим ҳам барвақт туриб, адамни кутар, кўриб кўнгиллари жойига тушгач, намозларини ўқир, кейин бирга чой ичишар эди. Бувим ва отамнинг бир-бирларига тик қарашганини ҳеч кўрмаганмиз. Бир-бирларини жуда аяшар эди. Бувим 90 дан ошиб вафот этди. Лекин отам ҳар куни қабристонга чиқиб, мозорларини зиёрат қилиб келарди. Бир йилда қабр атрофи гулзор, мевазорга айлантирилди. «Она-ни тириклигига ҳам, вафот этгандан кейин ҳам хотирлаб туриш керак, қабр атрофини тозалаб туриш фарзанд бурчи», деб таъкидлардилар отам. Энди уларнинг бу ишлари-ни биз давом эттираяпмиз.

Отам кўп фазилатга эга бўлиб қолмай, раҳбарларга хос ишбилармонлик, келажакни олдиндан кўра билишлик хислатига ҳам эга эди. 80-йилларнинг ўрталаридаёқ оила, ижа-ра пудратининг афзаллигини тушунган. Шу мақсадда сув чиқмай, ҳеч қандай ҳосил олинмаётган икки гектар ерни Нусратбек Акбарбеков исмли жамоа хўжалиги аъзосига беришга қарор қилди. Бу киши оила аъзолари билан астой-дил тер тўкиб ишлади, сув чиқарди. Жамоа хўжалигига йи-

лига 30—40 минг сўмдан даромад бера бошлади. Лекин бу ташаббусни ўша пайтда юқори ташкилотлар маъқулламади. Ҳозир эса оила пудратига кенг эътибор берилмоқда.

Тошкент райони ҳокими, Рустам Акбаров отамни хотирлаб шундай дейдилар:

— Зоирхон ака жамоа хўжалигининг раиси бўлиши билан чегараланмай, унинг келгуси тараққиёти, ривожи, аъзоларининг ижтимоий муаммолари тўғрисида ҳам кенг фикрловчи раҳбар бўлган. Жамоа хўжалигининг ерлари Тошкент шаҳрининг ёнгинасида бўлгани учун йил сайин қисқариб борди. Буни билган ишбилармон раҳбар катта боғ ташкил этди. «Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ қолади», — дейди халқимиз. Айни вақтда у киши 6 гектарли иссиқхона қуриб, ишга туширди. Бу боғ ва унинг ёнидаги иссиқхона бир томондан жамоа хўжалиги аъзоларини иш билан таъминласа, иккинчидан, шаҳарликлар дастурхонига мева-сабзавот маҳсулотлари билан файз киритарди.

Зоирхон ака келгусини олдиндан кўра биладиган раҳбарлардан эди. Жумҳуриятимизда озиқ-овқат программаси кўтарилиган вақтдаёқ районда биринчи бўлиб товуқхона қуриб битказилди. Албатта, бу ишларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигига эски усулдан янги усулга ўтишнинг бошланиш даври эди. Бир сўз билан айтганда, Зоирхон акага «Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» унвони берилишининг ўзи — бу кишининг ўз жамоа хўжалиги ишига давр талаби даражасида эътибор берганлигидан далолатдир.

Ана шунинг учун ҳам 1991 йилнинг охирида депутатлар томонидан қишлоқ кенгашига Зоирхон Жалилов номининг берилиши қилган ишларига муносиб баҳодир. Бу кишининг меҳнатлари туфайли бунёд бўлган Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигининг маҳаллаларига назар ташласангиз, дид билан қурилган бинолар, серфайз кўчалар, одамохун кишиларни учратасиз. Қалби инсонийлик ҳис-туйғуларига тўлибтошган қишлоқ аҳлидан эса Зоирхон ака ҳақида фақат миннатдорчилик фикрларини эшитасиз. Ҳатто у киши дунёдан

үтган бўлсалар ҳам, йигилишларда, улуғ айём кунларида район фаоллари ҳамма вақт номларини ҳурмат билан тилга олишади. Чунки Зоирхон aka шунга ярашиқли инсонлар юрагидан чуқур ўрин олган чин Инсон эди.

«Шонли меҳнат» район рўзномаси муҳаррирининг ўринбосари Мансур Рихсиев эса отамнинг одамийлиги, кек сақламасликлари, яхши ташаббус ва фикрлар эгаси эканликлари ҳақида тўлқинланиб сўзлади:

— 1986 йилда журналистика факультетини тугатиб, янги ишга келган кезларим эди. Менга танқидий мақола тайёрлаш топширилди. РАПОга қўнғироқ қилиб, бу мақолани қаердан тайёрлаш кераклигини сўрадим. Улар Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигининг чорвачилик бўлимига боришини тавсия қилишди. Жамоа хўжалигига бориб, Зоирхон акани учрата олмадим, вилоят йиғилишига кетган экан. Зилолиддин исмли йигит мени товуқчилик фермасига олиб борди. У ердаги аҳвол билан танишгач, жамоа хўжалиги иқтисодчисидан тухумнинг таннархи 18 тийинга тушаётганини, давлат эса 11 тийиндан сотаётганини билиб олдим. Демак, ҳар бир тухумдан 7 тийиндан зарар кўрилаётган экан. Эртасигаёқ бу мақола эълон қилинди. Орадан 15 кун ўтгач, яна шу хўжаликка мақола тайёрлаш учун бордим. Бу сафар раис билан учрашдим ва ўзимни таништирдим.

— Ука, неча йилдан бери ишлайпсиз? — сўради у.

— Ярим йил бўлди.

— Ёш экансиз, сўраганинг айби йўқ, дейишади-ку. Эсингиздан чиқмасин, мақола тайёрлаётгандан ҳар томонини ҳисобга олиш керак. Тухумнинг таннархи нима учун 18 тийинга айланганини суриштирдингизми?

— Йўқ, буни суриштирмабман, — дея айбимга иқрор бўлдим.

Шунда Зоирхон aka товуқлар учун ем, дон топиш жуда қийин эканлигини, жамоа хўжалигига товуқчилик зарар келтиришини айтди. Ўшанда товуқчилик фермаларини йифиб, марказлаштириш керак, деган фикрни илгари сурди, орадан кўп ўтмай, «Тошкент» совхози туман бўйича товуқчилик фермалари йиғилиб, марказлаштирилди. Доим ма-

қола тайёрлар эканман, Зоирхон аканинг менга чин дилдан берган маслаҳатларини эслайман, далилларни ҳар томонлама чуқур ва синчиклаб ўрганаман.

Отам маҳалла ободонлиги учун кўп хизмат қилди. Ҳар сафар кенг ва кўқаламзор, равон кўчалардан ўтар эканман, бу ишларда отамнинг хизматлари катта эканлигидан фахр туйғулари қалбимни чулғаб олади.

Халқ маорифи аълочиси, умрининг 41 йилини ўқитувчиликка бағишилаган маҳалладошимиз Қосим ака Зокиров хотираларидан:

— Зоирхон ака жуда камтарин, халқпарвар, катта-кичикка бирдек баробар муомала қиладиган, одобли одам эди. Айниқса, ногирон ва қаровчиси бўлмаган қарияларга жуда зътиборли эди. Ҳар доим улардан хабардор бўлиб, ҳолаҳвот сўраб турарди. Нима зарурияти бўлса, вақтида таъминларди. Турмуш ўртоғи урушда ўлган Тожи аяга, аёли вафот этган Пирмат отага, ҳозир 97 ёшни қаршилаётган Фулом отага, ҳеч кими йўқ Хайри холага жуда катта маънавий ва моддий ёрдам кўрсатган. Хайри холага ҳашар йўли билан уй тиклаб берди. Бу одамийлик ва фамхўрликларни ҳамма кечагидек эслайди. Зоирхон ака маҳалладаги маърақа ва тўй маросимларидан бирор марта қолмаган. Тўй эгалари у кишидан маслаҳат олиб, биринчи табрик сўзини беришарди. Фарзандлари уларга ўхшашини орзу қилишарди.

Ҳозирги кунда маҳалла ишларига алоҳида зътибор берилаётти. Зоирхон ака эса ўн йиллар аввал Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигига 7 та маҳалла ташкил этиб, комиссия раисларини тайинлади. Киров участкасидан идоралар қуриш учун ер ажратиб берди ва қурилиш ишларига бош бўлди.

Отам ниҳоятда янгиликка ўч, тиришқоқ инсон эди. 1966 ва 1984 йилларда янги помидор навлари олиб келиш ва ҳосилни комбайнда териб олиш технологиясини, у ердаги қишлоқ хўжалиги ишларини ўрганиш мақсадида, Волгоград вилояти ва Болгарияга бориб келдилар. Белоруссия деҳқонларидан эса пленка остида қишда ҳам маҳсулот етишибтириш сирларини билиб келган, уни ўз хўжалигига татбиқ

этган эди. Натижа ёмон бўлмади. Икки марта Бутунитти-фоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг олтин ва кумуш медаллари билан мукофотланди. 1972 йилда икки гектарли иссиқхона қурилган бўлса, 1985 йили 6 гектарли, жами 8 гектар иссиқхона қурилди. Ҳар квадрат мертидан 18—20 килограммдан ҳосил олинди. 1960 йилларда сабзавот етишириш 4000 тоннани ташкил этган бўлса, 1980 йилларда 10.000 тоннага етказилди. Сут топшириш эса 590 тоннадан 1000 тоннага кўтарилиди. Жамоа хўжалигига катта қурилиш ишлари олиб борилди: янги дўйконлар, чойхоналар, болалар боғчалари қад кўтарди. Киров кўчасидага қабристон обод қилинди, миллий услубда дарвоза ва масжид қурилди. *Булар ҳақида район фахрийлар кенгайни раиси, Улуг Ватан уруши қатнашчиси Йўлдош отаFaффоров шундай ҳикоя қиласиди:*

— Зоирхон шу жамоа хўжалигига 40 йилдан ортиқ ишлади. Биз жамоа хўжалигига раҳбарлик қилган 18—20 нафар раисни биламиз, аммо бирортаси Зоирхондай ишлай олмаган. 1936 йилдан бери ҳар ҳисобот йиғилишида трактор парки ва ҳаммом, маҳсулот сақлаш учун минг тонна сабзавот сифадиган омборхона қурдириди. Маҳаллаларни табиий газ билан таъминлаш учун югуриб-елди ва уддасидан чиқди. Мактаб, боғчалар қурилиши ва уларни таъмирлаш ишларига бош-қош бўлди. Унинг ташаббуси билан 9-мактаб кенгайтирилиб, қўшимча бинолар қуриб берилиди. Ҳозир 1.200 нафар бола ўқимоқда.

Зоирхон инсон қадрини ҳар нарсадан устун қўяр эди. Бизнинг жамоа хўжалигимиздан 800 дан ортиқ киши урушга кетиб, шундан 500 нафари дом-дараксиз йўқолди. Зоирхон турли ташкилотларга бориб, сўраб-суриштириди ва уларнинг номларини аниқлади. Фалабанинг 30 йиллиги арафасида уларнинг хотирасига ёдгорлик ўрнатилди. «Шон-шухрат музей» ташкил этилди.

Отам миришкор деҳқон, уста боғбон эди. Ҳозир уйимизда 20 турдан ортиқ мевали дараҳт, жумладан ёнгоқ, жилонжийда, хурмо, анжир, шафтолининг бир неча турлари ҳосил беради. Булар отамдан қолган жонли ёдгорлик.

Собиқ Киров номидаги жамоа хўжалиги раиси, меҳнат фахрийси Абдураҳмон ота Ахмедов шундай дейди:

— Зоирхон раислигига 20 йил бригадир бўлиб ишладим. У жамоа хўжалиги аъзоларининг турмушини яхшилаш, ҳосилдорликни ошириш учун жон куйдирди. Жамоа хўжалиги жумҳуриятда боғдорчилик ва сабзавот етиштиришда биринчилардан эди. 80 гектар ерни узумзор, 50 гектарини олмазорга айлантириди. Жуда одамшаванда, суҳбати ширин, халқи учун фидокор эди. Лой кўчалар кенгайтирилди, асфалт қилинди. Эл ҳурматига сазовор бўлди. Жамоа хўжалиги аъзолари унинг номини агадийлаштирилдилар. Қабрига бронза бюсти ўрнатилди, қишлоқ кенгашши, маҳалла кўчаларидан бирига номи берилди. Булар эл ҳурматини қозонган, ҳалол, камтарин инсонга халқнинг меҳридир.

Отамнинг хизматлари муносиб баҳоланди. 1977 йилда «Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони берилди. Қатор орденлар, медаллар, фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди. Узлуксиз равишда вилоят ва туман кенгашларининг ноиби бўлиб, халқ талабларини бажардилар.

Отам етти нафар фарзанд тарбиялаб, олий маълумотли қилдилар. Ҳозирги кунда ҳаммамиз ҳаётда ўз йўлимиз ва ўз ўрнимизни топдик. Катта акам Фозилхон (марҳум) узоқ йиллар шаҳардаги 10-авторемонт заводида директор мувини бўлиб ишлади. Равшан акам колхозлараро механизациялашган кўчма бирлашмада бош механик, икки синглим шифокор, икки укам шу жамоа хўжалигига ишлайди. Авазхон — бош иқтисодчи, Шавкатхон — ветеринар.

Отам 61 ёшида вафот этди. Бунга қанчалик ачинмайлик, кўнглимизга бир нарса таскин беради. Отамдан эзгу ном қолди. Бу дунёдан эл-юрг олқишига сазовор бўлиб, номини мангуга муҳрлаб кетди. Кексалар дуоси, меҳр билан эсга олишлари, «жаннати эди» деб хотирлашлари бизга масъулият юклайди. Шу номга муносиб фарзанд бўлгимиз келади. «Сиз мангу барҳаётсиз, қалбимиздасиз» дегимиз келади. Ушбу сатрлар эса қўйилиб келаверади:

Қолди Сиздан эзгу ном, яхши фазилат,
Семаъно сўзингиз — ажойиб хислат.
Фарзандингиз учун — бу буюк мерос,
Элу юртга эса ўчмас хоғирот.

P.S. Ушбу мақола «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг 11 март 1992 йил 36-сонида ва «Истиқлол нури» туман газетасида эълон қилингач, «Акс-садо» рукнига юзга яқин мактублар келиб тушди. Ана шулардан айримлари газетада ҳам эълон қилинди. Отамни хотирлаб мактуб ёзган турли касб эгаларига миннадорлик билдириб, ана шу мактублардан намуналар келтиришни жоиз деб билдик. Бу мактублар 1992 йилда ёзилган, биз уларни айнан келтирамиз. Мактуб эгаларидан Зайниддин Нуриддинов, очеркда номлари келтирилган Қосим Зокиров, Абдураҳмон ота Аҳмедовлар бу дунёдан ўтиб кетдилар. Уларнинг охиратлари обод бўлсин.

ҲУРМАТГА ЛОЙИҚ ИНСОН

Мен Зоирхон aka Жалиловнинг фарзандлари Маҳмудаҳоннинг «Меҳрингиз қўмсайман, отажон» мақоласини, «Шонли меҳнат» рўзномасида чоп этилган хотираларини қайта-қайта ўқир эканман, Зоирхон аканинг ўзлари кўз олдимда гавдаландилар.

У одам жамоа хўжалигида ҳам раис, ҳам бош агроном, бухгалтер, иқтисодчи, қурувчи, архитектор, ҳатто боғча мудири ҳам эдилар. Қолаверса, чин инсон эдилар. Ҳамма соҳа бўйича инсон қалбига йўл топиб, доно маслаҳат берар эдилар. Мен жамоа хўжалиги касаба уюшмаси раиси эдим. У кишининг менга берган маслаҳатларини жуда тўғри ва ўринли, деб қабул қиласмиш.

Жамоа хўжалигидаги хонадонларни 100 фоизга газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш, асфальт ётқизиш, ҳаммом, чойхона қуриш, дала шийлонларни қуриш, уни жиҳозлаш ишларини тўла-тўқис бажарилишида раҳбарлик қилганлар. 6 гектар иссиқхона қуриб, ишга туширганлар. Бу иссиқхонада етиштирилган маҳсулотлардан жуда кўпчилик баҳраманд бўляяпти. Мен Маҳмудаҳоннинг мақоласида ёзилган Раҳим aka исмли одам билан суҳбатлашиб қол-

дим. Зоирхон акадан сўз очилганда у одам, бир дақиқа ўти-ринг деб, Зоирхон ака руҳига атаб Қуръон тиловот қилди-лар. Сўнг у киши ҳақида кўзларида ёш, ҳурмат, иззат билан миннатдорчилик руҳида сўзладилар. Бир инсон қалбидан бунчалик чуқур жой олиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавер-майди. Зоирхон ака эса шу даражага зришган ва шундай ҳурматга лойиқ инсон эди.

Зоирхон акани кўпчилик табаррук инсон деб атайди. Фарзандларининг ҳаммаси оиласи, олий маълумотли, зиё-ли инсонлар. Уйим-жойим дейдиган ота-она бўлишган. Ўғиллари одамохунлиги, қувноқлиги билан отани эслата-ди. Айниқса, қурилиш ташкилотидаги бош муҳандис ўғил-лари — Равшан одамохунлиги, қувноқлиги билан отани эс-латади. Авазхон Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигига бош иқтисодчи, мустақил фикрли, келажаги порлоқ йигит. Кичик ўғиллари Шавкат ҳам шу жамоа хўжалигига ишлайди, тиниб-тинчимайдиган чорвадор.

Хуллас, фарзандларнинг бари Зоирхон акага муносиб, улар ҳам оталари каби ҳурматга лойиқ инсонлар. “Яхши-дан ном қолур” деб бежиз айтилмаган экан.

*Тоҳир МАВЛОНОВ,
Деҳқончилик-саноат мажмуи
ходимлари касаба уюшмаси
Тошкент тумани қўмитаси раиси
(“Истиқлол нури”, 17 июль 1992 йил)*

СЎНГГИ УЧРАШУВ

Ўша йили қиши жуда қаттиқ келган эди. Март келиб, ба-ҳор эшик қоқаётган бўлса ҳам кунлар совуқ, тунлар изғи-ринли эди. Ана шундай кунларнинг бирида мұҳарририят топшириғига кўра Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигига-нинг иссиқхонасига бордим. Кагта темир дарвозадан кириб борар эканман, кутилмаганда Зоирхон акага дуч келиб қол-дим. У киши мени ҳар доимгидек очиқ чеҳра, илиқ табас-сум билан кутиб олдилар. Мухбирлик фаолиятимда Зоир-хон ака билан неча бор учрашган бўлсам, ҳар сафар ҳам у

киши мени «Э, келинг, газетчи укам» деб самимий қаршила-
ғанлар. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ўтирганимиздан сўнг у
киши газетадаги ўртоқларни бирма-бир сўраб-суроштири-
дилар. Нарироқда ҳисоб-китоб қилиб ўтирган йигитдан
иккита иссиқ нон билан бир чойнак чой келтиришини сўра-
дилар. Бир пиёладан чой ичиб, Зоирхон ака билан анча суҳ-
батлашдим. Биргаликда иссиқхонани айланиб, у ерда амалга
оширилаётган ишлар билан танишдик.

— Матбуот ҳаёт кўзгуси, деб жуда тўғри айтилган. Агар
газеталар бўлмаса ҳаётда рўй бераётган кундалик ўзгариш-
ларни қандай билардик, — деган эди ўшанда раҳматлик. —
Деҳқону чорвадорнинг заҳматли, шарафли меҳнатини элга
ёядиган, танитадиган, уни руҳан кўтарадиган шу газета
бўлади. Шундай экан, мана ўз кўзингиз билан одамлари-
миз қилаётган ишларни кўринг, ёзинг, ука. Бу деҳқонга ма-
дад бўлади.

Иссиқхонани айланиб юриб ҳам Зоирхон ака билан жуда
кўп нарсалар ҳақида суҳбатлашдик. Ҳозир ўша учрашувни
хотирлаяпману, кўз олдимда у кишининг порлоқ сиймоси
жонланяпти. Ҳаёлимга эса Зоирхон ака билан бўлган бо-
шша учрашувларим ҳам келаверади. Бу инсон билан турли
йифгинларда, тантаналарда, бир пиёла чой устида ўтказган
суҳбатларим ҳамон кечагидек ёдимда. У киши ниҳоятда
маданиятли, суҳбатдошини ўзига ром қилиб оладиган дил-
каш инсон эди. У доимо эл ташвиши, одамлар дарди билан
яшади. Шу боисдан ҳам ҳали-ҳануз барча жамоадошлари
унинг номини ҳурмат билан тилга олишади.

Зоирхон Жалиловдек инсонларнинг чироғи ҳеч вақт
ўчмайди. У йўлчи юлдуз мисол йўлларимизни ёритиб тура-
ди. Мен газетада Зоирхон ака ҳақида чиқаётган мақолалар-
ни, у кишининг номларини агадийлаштириш ҳақидаги ма-
қолаларни ўқиб қувондим. Зоро, Зоирхон ака шундай из-
зат-ҳурматга, ардоққа арзийдиган фидойи инсон эди.

Турғун ЖҮРАЕВ. мухбир
(“Истиклол нури”, 17 июль 1992 йил)

БИЗ ҲАМ ШУНИ ИСТАЙМИЗ

Дунёда шундай кишилар яшаб ўтадиларки, уларнинг номлари кишиларнинг қалбига бир умрга муҳрланиб қолади. Исмлари доимо ҳар ерда, ҳар қачон ҳурмат билан тилга олинади, ҳамиша эъзозланади. Мана шундай юксак ҳурмат ва эъзозга эга бўлган инсонлардан бири, марҳум Зоирхон ака Жалиловдир. Зоирхон ака ҳали ҳаётлик пайтларидаёқ ҳалқ меҳрини қозонган эдилар. Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигининг раиси сифатида анча кўзга кўринарли ишларни амалга оширдиларки, эндиликда жамоа хўжалигимиздаги қад кўтарган биноларни, майший хизмат уйларини, асфальтланган равон кўчаларимизни, ичаётган сувимизни, фойдаланаётган табиий газимизни, ҳудудимиздаги ота-боболаримизнинг мангуб хотирасига ва Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ҳамқишлоқларимизнинг номларини агадийлаштириш учун ўрнатилган «Мангулик» ёдгорлигини у кишисиз тасаввур қила олмаймиз. Хуллас, Зоирхон ака амалга оширган бундай улуғ ишлар жуда кўп. Биз шундай инсон билан маҳалладош эканлигимиз билан фахрланамиз. Маҳалламиздаги исталган кишидан Зоирхон ака тўғрисида сўрасантиз, албатта, улар у киши ҳақида фақат илиқ гапларни, ижобий фикрларни билдиришади.

«Шонли меҳнат» газетасининг март ойидаги сонларидан бирида босилиб чиққан туманимиз ҳокими Рустам Акбаровнинг Зоирхон ака ҳақидаги билдирган илиқ сўзларини ҳамда Зоирхон аканинг фарзанди Маҳмуда Зоирхон қизининг «Меҳрингизни қўймайман, отажон» сарлавҳали мақоласини биз ҳам катта таассуротлар билан ўқиб чиққан эдик.

Умуман олганда, газетанинг бошлаган ушбу хайрли ташаббусини биз ҳам маъқуллаймиз. Маҳалламиз аҳли билан биргаликда бу ташаббусни қўллаб-қувватлашга тайёрмиз. Чунки, яхши инсонларнинг номлари доимо қалбларимизда сақланиб, ҳеч вақт ўчиб кетмаслиги керак! Зоро, инсон дунёга келаркан, аввало ўзидан яхши ном қолдиришга ҳарарат қиласиди. Шундай яхши номни қолдирап экан, демак, бу

номни эъзозлаш, бир умрга қадрлаш биз тирикларнинг ша-
рафли бурчимиздир!

Хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки, жамоа хўжалиги-
миз номига ўзгартиш киритиб, унга Зоирхон Жалилов
номини берсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Биз бу билан
Охунбобоев номига нисбатан ҳурматсизлик қилган
бўлмаймиз. Аксинча, агар суриштириб келсак, жумҳури-
ятимизнинг минглаб обод жойларига, шу жумладан биз-
нинг ҳудудимиздаги жамоа хўжалигига, битта маҳалла-
га, кўча ва мактабга ҳам Охунбобоев номи берилган.
Шунинг учун ҳам биз газета ташаббусини кенг қулоч ёй-
ишини истаб қоламиз. Район ҳокимияти ҳам бу хайрли
ишни амалга ошишига ўз ёрдамини беради, деган умид-
дамиз.

Фахриddин МУСАЕВ,
(“Истиқлол нури”, 17 июль 1992 йил)

ИНСОН БЎЛСАНГ ШУНДАЙ ЯШАКИ...

... Халқинг сени доимо ширин сўзи билан ёд айласин. Ме-
нимча, марҳум Зоирхон aka Жалилов (Аллоҳ у кишини раҳ-
мат қилган бўлсин) мана шу ҳикматга амал қилиб яшаган,
эл-юрт олқишига сазовор бўлган, ўзидан яхши, ибратли
ишлиарни, ширин сўзлик ва доноликни ёдгорлик қилиб қол-
дириб кетган инсонлардан биридир. «Шонли меҳнат»да у
киши ҳақида чоп этилган хотиралар ҳам шундан далолат-
дир. Туманимиз ҳокими Р.Акбаровнинг «Чин инсон эди»,
Зоирхон аканинг фарзанди қобиллари Маҳмудаҳоннинг
«Меҳрингиз қўмсайман, отажон», туман Кенгашининг де-
путати О.Саъдуллаевнинг «Адолатли иш бўларди» сарлав-
ҳали мақолаларини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Ўқи-
диму, хаёлимда раҳматли Зоирхон aka ҳақидаги унутилмас
хотираларим яна жонланди.

Мен Зоирхон aka Жалиловни жуда ёшлик йилларидан
бошлаб биламан. У киши Охунбобоев номидаги жамоа
хўжалигида бригада табелчиси, бригада бошлиғи, партия
ташкилотининг котиби ва узлуксиз 25 йил жамоа хўжалиги

раиси бўлиб ишлади. Бу ўтган давр мобайнида жамоа хўжалигимиз нафақат туманда, балки вилоятда, жумҳуриятда ном чиқарди. Жамоа хўжалиги ободонлашиб, меҳнаткашларнинг турмуш шароитлари яхшиланиб борди. Иссикхоналар ташкил этилди. 1941-1945 йилларда Улуғ Ватан уруши жангларида ҳалок бўлган ҳамқишлоқларимизга атаб ёдгорлик ўрнатилди. Эҳ-ҳе, агар Зоирхон aka бош бўлиб, амалга оширилган ишлар ҳақида гапираверсак, тонг отмайди, қофоз ҳам етмайди. Қисқа қилиб айтганда, у киши доимо одамлар дарди билан яшар, кўпчилик оғирини енгил қилиш ҳақида ўйларди.

Зоирхон aka бизнинг Охунбобоев номидаги маҳаллада истиқомат қиласар эдилар. Маҳалла ишларига ҳам жуда кўп ёрдамлари теккан. Маҳалла кўчалари кенг, равон. Ободонлаштириш, боғ яратиш ишларига Зоирхон aka катта эътибор берар эдилар. Ёш келин-куёвлар тўйларини очиб беришни у кишидан илтимос қилишарди. Зоирхон aka кирган давра файзли бўлиб кетарди. Фидойи инсон мактаб ва боғчаларга ҳам безътибор эмас эди, ўқитувчиларнинг август анжуманларида иштирок этиб, баҳоли қудрат халқ таълими соҳасига ҳам ёрдам берар эди. Ҳа, инсон бўлсанг шундай яшашинг керакки, ортингдан қобил фарзандлар, яхши ном, яшнаган боғ-роғлар қолиши керак. Зоирхон aka шундай баркамол инсон эди.

Қалби инсонийлик ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошган бу ажойиб инсонни жамоа хўжалиги аҳли ҳали ҳам миннатдорчилик билан эслайди. Зоирхон акани нафақат жамоа хўжалигига ёки маҳаллада, балки туман ва вилоят миқёсидаги йиғилишларда ҳам эслаб, номларини тилга олиб туришади. Чунки у шундай ҳурмат-эътиборга лойиқ инсон.

Зайнiddин НУРИДДИНОВ,
Уруш ва меҳнат фахрийлари
туман Кенгашининг раиси
(“Истиқлол нури”, 29 май 1992 йил)

БИРИНЧИ САХИФАГА МАКТУБ ЯНА БИР ХАЙРЛИ ИШ

Газета марҳум (Аллоҳ у кишини раҳмат қилган бўлсин) Зоирхон ака Жалилов ҳақидаги, у кишининг қизлари ёзган хотираларни чоп этиб, савобли ишга қўл урибди. Хотира-ларни ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. У кишининг руҳлари шод бўлсин деб, амалга оширган бир хайрли ишлари ҳақида газетхонларга ҳикоя қилиб беришга аҳд қилдим.

Ўшанда 1968 йил эди. Биз ёшлар футболга жуда қизиқар эдик. Шу боисдан идоранинг рўпарасидаги чойхона орқа-сида, қуруқ майдонда тўп тепардик. Жамоа хўжалигининг «Охунбобоев» номидаги футбол жамоаси ҳам бор эди. 1968 йилда ана шу футбол жамоаси вилоят мусобақаларида иштирок этиб, чемпионлик унвонини қўлга киритди.

Ўша пайтда стадион бўлмаганилигидан бошқа туманлардан келган жамоаларни биз ўша чойхона орқасидаги қўлбо-ла стадионимизда қабул қиласидик. Ҳар бир ўйинга раҳматли Зоирхон ака ўзлари бош бўлиб, бутун идора аъзоларини бошлаб чиқардилар. Бошқа туманларга биз бориб ўйнаган пайтларимизда ҳам иложи борича ўша ёққа ҳам бориб, бизга маънавий мадад бериб туришга ҳаракат қиласидилар. Хўжа-лик раҳбарининг ҳар бир ўйинимизни катта қизиқиш билан кузатиб боришидан биз жуда ҳам руҳланиб, янада яхшироқ ўйнашга интилардик.

1968 йилда чемпионлик унвонини қўлга киритганимизда Зоирхон ака ҳам биз билан баравар курсанд бўлиб, бошлари кўкка етган эди. Шу боисдан ҳам бизга стадион қуриб беришга ваъда бердилар. Зоирхон ака айтган сўзла-рининг устидан чиқдилар. Шундай қилиб, 1971 йилнинг баҳорида Келесдаги Охунбобоев номидаги стадион қуриб битказилди ва ишга тушди. Уни Зоирхон аканинг ўзлари очиб бердилар.

Кейинчалик мана шу стадиондаги ўйинларга ҳам келиб турдилар. Агар ўйинларимиз вақтлироқ бошланиб, унга қизиқсан жамоа хўжалиги аъзолари келиб қолишса, Зоирхон ака уларга яхши дам олсанг, яхши ишлайсан, дердилар.

Ҳа, Зоирхон аканинг спорт ишларини жонлантиришдаги хизматлари таҳсинга лойиқ. У кишининг ўзлари ҳам баланд бўйли, юzlари қип-қизил, адл қомат, соғлом киши эдилар. “Спорт билан ҳамма ёшу қари ҳар куни шуғулланиши керак, тўп тепсанг, қонинг юришади, соғлом бўласан”, — дердилар Зоирхон ака. Ҳозир ҳам берилиб футбол ўйнаймиз, ғалабаларга эришамиз. Гуё стадион ўринидигида Зоирхон ака ўтиргандек туюлади. Ана шу кечинма бизни руҳлантиради.

Омонулла САҶДУЛЛАЕВ,
«Тўлабий» жамоа хўжалиги тафтиши
комиссиясининг раиси, туман
Кенгашининг депутати
(“Истиқлол нури” газетаси,
4 апрель. 1992 йил)

ҲАМҚИШЛОҚЛАРИ ҚАЛБИДА

Тошкент тумани Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигида шу хўжаликнинг собиқ раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қимлоқ хўжалик ходими, икки марта «Хурмат белгиси» орденларининг нишондори Зоирхон Жалилов бюстининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Рассомлар уюшмасининг аъзоси, ҳайкалтарош Тўлаган Тожихўжаев ганчдан ишлаган ушбу бюст жамоа хўжалигининг Киров участкасида жойлашган Шон-шуҳрат музейидаги собиқ раиснинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ёритилган экспозициядан ўзига муносиб ўрин олди. Марҳум ҳақиқий маънодаги чин инсон, тажрибали деҳқон, ташаббускор раҳбар ҳам эди. Унинг 24 йиллик раҳбарлик фаолияти мобайнида жамоа хўжалигида маҳсулдорлик ўсиши билан бирга, катта ободончилик ишлари ҳам амалга оширилди. Ана шулар ҳақида унинг дўстлари ва шогирдлари Тўлқин Эгамбердиев, Раҳимжон Аҳмедов, ЙўлдошFaффоров, Фиёсилдин Умаровлар миннатдорчилик билан гапирдилар.

Йиғилишдан кейин меҳнат фахрийларидан бири, Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги собиқ раиси Абдураҳмонхўжа Аҳмедов бюстни очди. Сўнгра Зоирхон Жалилов оила-

си, қариндош-уруғлари номидан у кишининг фарзанди Маҳмуда Валиева шеърий бағишивини ўқиб бериб, йигилгандарга ва маросим ташкилотчиларига миннатдорчилик изҳор этди.

Қишлоқдаги янги кўчалардан бирига ҳам Зоирхон Жалиловнинг номи берилди.

А. ФОЗИЛОВ.

(“Қишлоқ ҳаёти”, 26 октябрь 1989 йил)

ЧЕҲРАСИ КЎНГЛИМДА

Марҳумларни ёдлаш тириклар учун ҳам қарз, ҳам фарз. Охунбобоев жамоа хўжалигининг собиқ раиси Зоирхон Жалиловни кўп хотирлайман. Зоирхон акани Охунбобоев жамоа хўжалигида участка агрономи бўлиб ишлаганларидан танийман. У кишининг талабалик йиллари уруш даврига тўғри келган. Мактабни битириб, иш фаолиятларини ҳисобчиликдан бошлаганлар.

Ўша даврларда поғонама-поғона кўтарилиб, шу йиллар ичida катта тажриба орттирдилар. Ўша пайтда хўжалик ўртаҳол хўжаликлардан эди. Зоирхон aka раис бўлгач, хўжаликнинг кекса тажрибали дехқонлари билан маслаҳатлашиб, иш кўрдилар. Ердан унумли фойдаланиб, ҳосилдорликни ошириш, боғларни, узумзорларни, мевазорларни кенгайтириш тўғрисида келишиб олишди. Ўша пайтда хўжаликда ўн гектарга яқин узумзор бор эди. Боғбон бригадир Абдураҳмон Аҳмедов, Абдужалил Фозиловлар билан биргаликда узумзор юз гектарга етказилди. Олмазор, шафтоли, олхўри ва бошқа мевалар майдони кенгайтирилди. Ерларнинг ҳосилдорлиги ошиб, хўжалик даромади ортди. Даромадга кўра буромад деганларидек, хўжаликда қурилиш ишлари бошланди. Ҳаммом қурилди. Ичимлик суви келтирилди. Хонадонлар газлаштирилди, кўчаларга асфальт ётқизилди. Бундан ташқари, энг савобли иш 1941-1945 йил, иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган оталаримизнинг, акадаримиз хотирасини абадийлаштириш учун ёдгорлик ўрнатилди. Ундан ташқари, хўжаликда 3 та болалар боғчаси, 3

та чойхона, замонавий трактор парки, машина парки қурилди. Хўжаликда яхши даромад келтирадиган 8 гектар иссиқхона қурилди.

Қодир ака ҳамда Асом ака билан Зоирхон акани хона-донларига кирдик. У киши ҳовлидаги токни хомтот қилаётган экан, бизни очиқ чеҳра билан кутиб олдилар. Сўри тагидаги ўринда ўтирилик. Чойни ичарканмиз, ҳазил-ҳузул гаплар бўлди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, кулишиб-кулишиб ўтирилик. Мен эса ҳаваскор сифатида ёзилган иккита шеър ўқиб бердим.

Зоирхон ака билан тенгқур эдик. Аммо у киши мени Раҳимжон ака, мен эса Зоирхон ака дердим. Одатлари ишда жуда талабчан. Ишдан ташқари ваҳтларда эса қувноқ, ҳазилкаш эди. Очиқ кўнгил, катта-кичикка баробар, меҳмондўст инсон эдилар. Кўча-кўйларда бир иш билан идорага борсам ҳазиллашиб, Раҳимжон ака янги шеърлардан борми, деб сўрар эдилар. Бир куни ўтиб кетаётган эдим, дарвоза олдида турган эканлар. Олдиларига бориб сўрашдим. Бирдан, янгиси борми, деб сўраб қолдилар яна. Ҳовлига таклиф қилдилар. Сўри тагида ўтирилик. Ҳол-аҳвол сўрашдик, чой қўйдилар. Чойни ичиб сўраган гапларига жавоб бердим. Негадир мени у кишининг салобати босарди. Қани, эшитайлик, дедилар. У кишига машқларимдан ўқиб бердим.

Мен бу билан шоирликка иштиёқим бор эди, деб фахрланмоқчи эмасман. Зоирхон аканинг шеърпарат эканликларини таъкидламоқчиман. Мен — оддий деҳқон ёзган машқларидан завқланганларини эслаб, ҳамон кўнглим қувончга тўлади.

Меҳнат фаолиятлари намунали кечди. Яхшидан боғ қолади, деганлари шу-да. Мана, кўчаларимиздан бирига Зоирхон Жалилов номи берилди. Халқимиз у кишининг номини ҳамиша ҳурмат билан тилга олади.

*Раҳимжон ОБИДОВ,
Охунбобоев жамоа ҳўжалиги
(“Истиқлол нури”, 27 май 1993 йил)*

МАНГУЛИК БУНЕДКОРИ

Халқимиз ибораси билан айтганда, “Инсон – мўъжиза, ҳаёт гўзал”. Ана шу мўъжизакор, мўътабар ва табаруқ инсон учун ҳаётдан азиз, ундан ширин, қадрли ва лаззатли борлиқ бўлмаса керак. Чунки инсоннинг барча шодлик ва қувончлари, унинг баҳту саодати ва орзу-умидлари шу гўзал ҳаёт билан боғлиқ. Комил инсон эса ўзини гўзал ҳаётнинг фарзанди ҳисоблаб, муаззим умум иши руҳи билан яшайди. Жамият манфаатлари учун хизмат қиласи. Афсуски, шундай улуғ, мўъжизакор инсон умри қисқа. Гўзал ҳаётнинг бешафқат, аёвсиз бир кушандаси – ўлим инсонни бир лаҳзада абадий сафарга олиб кетади. Чунки ўлмоқ ҳам туғилмоқдай табиий ва муқаррар. Аммо ўлимда ҳам ўлим бор, яъни ҳаётда тириклардан ҳам барҳаёт, руҳи тирик, ўзидан яхши ном ва боғу бўстонлар қолдирган инсонгина иккинчи умрини яшайди. Ана шулардан бири – Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги раиси Зоирхон Жалилов эди. У кишининг табаруқ номлари ҳеч қачон мангулек мулкини тарк этмайди. Унинг таъриф-тавсифи оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб, давру замонлар қасрида мангуга яшайверади ва умр дафтари саҳифаларидан ўчмайди. Фарзандлар, қариндош-уруг, халқ дилида руҳан тирик бўлишдан ҳам улуғ баҳт бормикин? Биз тириклар эса уларнинг порлоқ хотираларини шоиримиз Эркин Воҳидовнинг ушбу мисралари орқали эслайверамиз:

Кўкда қанот қоқмай тинч учар бургут,
Еллар тинч, жилғалар чиқармас овоз.
Борлиқ қабринг узра сақлайди сукут,
Бир қучоқ гул қўйиб қабрингга устоз.

Эркин **ФУЛОМОВ**,
доцент, Алишер Навоий номидаги
маҳалла оқсоқоли

ДАРЁДИЛ ИНСОН ЭДИ

Одатда бирор ҳақида эсдалик ёзиш дастлаб осондек туюлади, лекин қўлингга қалам олишинг билан бу иш сен ўйлагандек осон иш эмаслигини сезасан киши. Ёшим 60 га бориб кўп одамларни кўрдим, суҳбатлашдим. Бирорлари ёдимдан чиқиб кетди, бирорлари ҳаётдан кўз юмиб кетди, илоҳим Аллоҳ ёрлақаган бўлсин уларни. Бугун хотирамда қайта жонланадиган инсон Зоирхон ака Жалилов энг яхши сифатлари билан ёдимда қолган.

Ўрта мактабни тугатган вақтларим эди. Ҳали у ерда, ҳали бу ерда ишлаб, беш-үн танга топиб, ўзимни-ўзим эплаб юрардим. Отам иккинчи жаҳон урушининг иккинчи гуруҳ ногирони Йўлдош ака Маҳкамов Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетига кечки бўлимга кирганимда 65 ёшда здилар. Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Меҳмонқул Қурбонов бош бўлган 3-бригадасида ошпазлик қиласидилар. Бир куни пешин пайтида тушлик қилаётган колхозчилар қимиirlаб қолишли. Дарров у ёқ-бу ёқларни тартибга келтиришди. Сал ўтмай, дала шийпони ёнидаги ариқдан бирор «ё пири» деб сакраб ўтди. Зоирхон ака экан.

Раис ҳамма билан сўрашиб чиқди. Кейин тол тагидаги узун столга келиб ўтирди.

Қани, Йўлдош ака, ёввойи лағмондан борми?- сўради раис фотиҳадан кейин.

— Бор, бор, — отам катта оқ чинни косага қуюққина қилиб сузилган макарон шўрвани Зоирхон аканинг олдига қўйди.

Ҳамма раисга қараб турибди. Зоирхон ака ҳазил-мутойиба билан бир коса шўрвани тановул қилди. Сўнгра:

— Қўлингиз жуда ширин-да, Йўлдош ака, — деб қўйди.

Ўшанда Зоирхон аканинг бу самимияти «мен ҳам сизларга ўҳшаган бир одамман», — дегани эди.

Бригада аъзоларининг шундан кейин Зоирхон акага ҳурмати ошиб, яхшироқ таом устида эслаб турадиган бўлиб қолишганди.

Үша куни Зоирхон ака далаларни айланди. Экин-тикинларнинг аҳволи билан танишди. Кетар чоғида менга кўзи тушиб қолди.

— Йўлдош ака, ўғилтча нима қиласяпти? — деб сўради отамдан.

— Ёзувчиликка ўқишга кирган, кечқурун боради, — деди отам.

— Кундузлари бўшсан, демак?! Бирон иш топдингми?

Рости бир-икки таҳририят иш ваъда қилгану, лекин қачонлиги номаълум эди. Шуларни айтувдим, Зоирхон ака елкамдан ушлади.

— Колхозда ишламайсанми, то баҳтинг чопиб, иш топгунинггача? Ердан унади-ку ризқ-рӯз. Йўқ дема, деҳқончиликда омадингни синааб кўр. Қара, илҳом деганинг давлана қайнаб ётибди. Хўп десанг Меҳмонқул акантга айтаман...

Хуллас, деҳқонлар сафидан жой олдим. Бора-бора ўзим ҳам далаларга боғланиб қолдим. Елкамда баркашдек кетмон, пешона боғланган. Қуёшни далада кутиб оламан. Кечқурун ўқишга чопаман. Биринчи мақолам туман газетасида босилиб чиққанда, Зоирхон ака қидириб келиб қолди.

— Зўр чиқибди. Каттагина тағин, — елкамга қоқиб қўйди у. — Ишқилиб, талтайиб кетма. Биздан ҳам бир чиқсин ёзувчи. — Шийпонда осиглиқ турган жанговор варақага кўзи тушиб, яқинроқ келди. — Бу ҳам сенинг ишинг бўлса керак?

— Шундоқ, шундоқ, — деди Меҳмонқул ака. Зоирхон ака варақага кўз югуртириб чиқди-да:

— Сўзларинг жа-а ўткир-ку, — деб қўйди.

Ёшман, юзхотир нималигини билмайман. Раиснинг мақтovидан жуда илҳомланиб кетдим. Туман газетасининг ҳар сонида хабарларим, шеърларим босилиб турибди. Ишёқмас колхозчиларни «Жанговор варақа»да «уриб» турибман. Бир-иккитаси пўписа ҳам қилиб қўйишиди. Ҳафа бўлишиди.

Бир гал жуда қизиқ иш бўлди. Үша йиллари ҳар бир хонадонга радиоточкалар ўрнатилар, колхозда марказ-

лашган радиоузел бор эди. Негадир Қизғалдоқ участка-сига радиоточкалар ўрнатилмабди. Шуни Икром Каримов бир вараққина мақола қилиб ёзибди-да, таҳририятта жүннатибди. Мен ҳам «Коммунизм тонги» газетаси мұҳаррири Раҳимжон Убайдуллаев берган шу хатни дарров таҳрир қилиб, тайёрладим. У газетада босилди. Номи ҳам антиқа: «Үгай участкадамизми?» Зоирхон ака Икром ақани чақириб, роса койибди. «Үзимга айтсанг бўлмайдими?», — дебди. Икром ака «Темурнинг ўзи ёзиб, менинг фамилиямни қўйибди, бундан сира хабарим йўқ», — дебди. Зоирхон ака мени учратиб:

— «Ҳалол бўлгин, бунақа кўзбўямачилик қилма», — деб танбеҳ берди. Таҳририятга бориб, Икром аканинг рўйхатдан ўтган хатини олиб келдим. Кечқурун идорада бошқарув йиғилиши бўлаётган экан, ҳатто эшикни тақиллатмай кирдим. Тўғри Зоирхон аканинг олдига бориб, хатни столга қўйдим. Бу адолатсизлик тоза алам қилган эканми, ҳатто кўзимдан ёш чиқиб кетди. Зоирхон ака хатни ўқиди, секин ўрнидан турди.

— Мен ноҳақ эканман, ука. Сўраб-суриштиrmай, сенга танбеҳ бердим. Бунақанг ҳолатга биринчи бор дуч келяпсан. Бардам бўл. Худди шу бугунгидек ҳамма жойда ҳақлигингни исбот қил, — деди.

Зоирхон аканинг кўпчилик олдидаги узр сўрагани ҳамиша кўз олдимда турди. Оддий ишдек туюлса ҳам, лекин бу катта қалб эгасининг мардлиги, десам лоф бўлмайди. Бўлмаса, «Икромга сен айтиб ёздиргансан», деса нима бўларди??!

Уч-тўрт йил фириллаб ўтиб кетди. 1970 йилда «Гулхан» журналига ишга кирдим. Китобларим ҳам чоп этилди. Нима бўлдию, беш-ўн кишилилк (улар орасида рус адиллари ҳам бор эди) зиёфат қилишга тўғри келиб қолди. Раҳматли дўстим, ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов:

— Энди ўзингиз бир иложини қилинг, меҳмонлар табиат қўйнига чиқишишмоқчи, — деди. Тўғри Зоирхон аканинг ҳузурига кирдим. Колхознинг ҳовузли боғидаги соя-салқин жойни сўрадим. Зоирхон ака бир зум ўйланиб турдилар-да:

— Шайхов бор деяпсан, меҳмонлар келади деяпсан. Тузукроқ кутиш керак уларни. — деди. Кейин Аҳрор ака деган боғбон бор эди, хат ёзиб шофёрига берди. — Сен эртага меҳмонларни бошлаб келавер, бўёғининг ғамини ема.

Эртасига харажатларни қилиб, боққа келсак, ҳаммаёқ ораста. Қозонларда шўрва, ошнинг зирваги қайнаб турибди. Меҳмонларнинг қулфи-дили очилиб кетди. Роса мириқиб дам олишди. Аҳрор аканинг айтишича, Зоирхон ака боққа икки марта келиб, хабар олиб кетибди. «Ўзимизнинг йигит, бир чеккаси акаси билан қадрдонмиз, ҳамма нарса кўнгилдагидек бўлсин, укам хижолатга қолмасин», — дебди.

Орадан неча йиллар ўтди. Зоирхон аканинг фидойилиги боис, янги чойхона, музей, мактаб қурилди. Туманимиздан иккинчи жаҳон урушига кетиб, ҳалок бўлганларнинг хотирасига ёдгорлик тикланди. Улар Зоирхон Жалиловдан бизга эсадалик бўлиб қолди. Ҳар гал Ҳасанбой қабристонига бориб ота-онам, акам Тўхтамурод Деҳқонийнинг қабрларини зиёрат қилганимда, албатта Зоирхон аканинг мақбараси олдидা тўхтайман. У кишининг руҳ-покларига бағишлаб тиловат қиласман. Менга кўрсатган ҳурматларини, хайриҳодлик билан қўллаб-қувватлаганларини бир кара ёдимга оламан. Шу онда уларнинг айтган гаплари қулоғим остида жаранглайди:

«Ука, гоҳ юлдузни кўзлассанг ҳам сёғингни ердан узма. Балки юлдузга етарсан, бироқ ердан узилсанг, одамлардан узоқлашсанг, улар орасига қайтишинг қийин бўлади. Осмонга устун бўлмаймиз. Ҳаммамизнинг борар еримиз битта. Ўша ерга яхши ишларнинг ҳамроҳлигида бориш насиб қиласин».

Зоирхон акага шундай сафар, боқийликка рихлат насиб қилди.

Темур УБАЙДУЛЛО.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист

АКА-УКА ЭДИК

Ўғлимиз Улугбекни уйлантириш арафасида педиатрия институтида ўқийдиган бир талаба қизни мақтаб қолишиди. Умр йўлдошим манзилгоҳини олиб совчиликка борди. Қизнинг отаси Зоирхон ака бўлғуси күёв ва отаси билан гаплашайлик, дебдилар. Бордик. Чеҳрасидан нур ёғилиб турган басавлат одам бизни кутиб олди. Тезда суҳбатимиз қовушиб кетди. “Сиз зиёли инсон экансиз, биз илм кишиларини қадрлаймиз. Қизимиз шифокор бўлиш ниятида энди 2-курсда ўқияпти. Ўзингиз биласиз, тиббиёт институтида ўқиш қийин. Қизимизни яна беш йил ўқита оласизларми?” — деб гап бошладилар. Биз “Албатта, ўқитамиз”, — деб ваъда бердик. Тўй бўлиб ўтди, келинимиз мақтагандан ҳам аъло экан. Камсуқум, шириңсўз, меҳнаткаш келинимиз Ферузахонни ҳаммамиз бирдек яхши кўриб қолдик. Орадан куп ўтмай, хизмат юзасидан уч йилга Алжирга кетишга тўғри келиб қолди. Зоирхон ака бизга “Оқ йўл” тилаб кузатдилар. Ферузахон ва ўғлимиз Улугбекни Қумрихон онамизга ишониб кетдик. Уч йил ичидаги неварамиз Беҳзод туғилди, Ферузахон 5-курсни битирдилар. Қўнфироқлашиб турдик. Ҳар сафар Беҳзод ва Ферузахоннинг ўқишларини сўраб турардик. Қудаларимизга раҳмат, Беҳзодни катта қилишда онамизга ёрдамлашиб турдилар. Бирор марта “Алжирга кетиб қолдинглар” демадилар, аксинча, суюндилар.

Доно отанинг оқила қизлари Ферузахон эса ўқишни ҳам битирди, 2 фарзанднинг онаси ҳам бўлди. Зоирхон ака ва Маъфират опа тарбияларини олган 7 фарзанд — 4 ўғил ва 3 қиз ҳаётда қоқилмади, ҳаммалари нуфузли жойларда ҳалол ишлаб, обрў орттироқдалар. Ҳа, Зоирхон ака яратган боғ — оилани ранг-баранг гуллар — фарзандлар яшинатмоқда. Зоро, оилани комил инсонларгини муқаддас билиб, фарзандлари билан мустаҳкамлаб берадилар. Дилкаш Зоирхон ака барча билан тезда тил топишиб кетардилар. У кишининг суҳбатларига тўймас эдик. Каттага ҳам, кичикка ҳам сизлаб мурожаат қиласардилар. Қу-

далари билан ака-уқадек, туғишилардек мұомала қылар-дилар. Хонадонимиз түрида расмлари туралы. У киши-нинг руҳлари шод бўлишини тилаб дуолар қилишни канда қилмаймиз. Илоҳим, Зоирхон ака оиласига кўз тег-масин.

*Пўлат МАНСУРОВ.
Кимё фанлари доктори, профессор*

ОТАМНИНГ ДҮСТЛАРИ ҲАҚИДА ОЧЕРКЛАР

ЎЛИМЛАРНИ ҚОЛДИРИБ ДОҒДА

Оқибатли дүстлар

Муқаддас китоблардан бири — Имом Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-адаб-ал-муфрад» ҳадислар түпламида шундай ривоят қилинади: Қайси бир сафарда бир арабий Абдуллоҳ ибн Умардан «Сен ҳазрати Умарнинг ўғлимисан?» деб сұрайди. Абдуллоҳ «ҳа» деб жавоб беради ва бошидаги салла ва эшакни аърабийта беради. Ёнидаги кишилар ҳайрон бўлиб: «Унга икки дирҳам берсангиз ҳам кифоя эди, сиз эшакни ҳам, саллани ҳам бекорга бериб юбордингиз», дейдилар. Абдуллоҳ аърабийнинг отаси билан ўзининг отаси дўст бўлганларини айтди. Расулуллоҳ шундай деган эканлар: «Отанг дўст тутган кишиларнинг дўстлигини сақла, улар билан алоқани узма! Агар алоқани узсанг, Аллоҳ таоло сенинг нурингни ўчириб қўяди». Мен ҳам раҳматли отам Зоирхон Жалилов руҳлари шод бўлиши, улар ёқиб кетган эзгулик нури янада порлоқ бўлиши учун энг яқин дўстларидан бири марҳум Фиёсiddин Умаров ҳақида ёзишга аҳд қилдим. У кишининг пок хотираларини эsga олишни ўзим учун қарз деб билдим. Тошкент туманида тажрибали, одамохун раҳбарлар ким эди, дейилганда, кўпчиликнинг кўз олдида уч дўст гавдаланади. Булар ҳозирги кунда Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалигининг раиси бўлиб ишлаётган Сиддиқжон Муҳаммаджонов, собиқ F. Умаров жамоа хўжалигининг раиси, марҳум Фиёсiddин Умаров ва Охунбобоев жамоа хўжалигининг раиси, марҳум Зоирхон Жалиловлардир.

Бу уч дўст ёшлари жиҳатдан тенг бўлмасалар-да, фикр-мулоҳазалари, дунёқарашибари, иш тажрибалари жиҳатидан

ҳамфир әдилар. Бир-бирларини ниҳоятда эъзозлардилар, муомалалари самимий, диллари пок эди. Шундан бўлса керак, икки марҳум инсонни ҳали-ҳали ҳурмат билан тилга оладилар. Бугунги ҳикоямиз олижаноб дўст, ккамтарин инсон, меҳрибон ота, ишбилармон раҳбар, уруш кўрган азамат Фиёсиддин Умаров ҳақидадир.

Умр йўлининг ёрқин саҳифалари

Асримиз бошлари. Жанубий Қозогистоннинг Сайрам тумани, «Умархон саҳий» хонадонида яна бир ўғил туғилди. Унга Фиёсиддин деб ном бердилар. Оилада 3 ўғил ва 2 қиздан сўнг дунёга келган ўғил aka ва опалари учун қадрли эди. Ота Қуръон оятларини қироат билан ўқир, фарзандларига ҳам ўргатар, она эса уй ишлари билан банд эди. Оиладаги фарзанд Фозилхон 1931 йилда 13 ёшли укаси Фиёсиддин билан Тошкентга кўчиб келди ва тўқимачилик комбинатида ишлай бошлади. Фиёсиддин эса Коганович номидаги ўрта мактабда ўқиш билан биргаликда Калинин номидаги жамоа хўжалигига ишлай бошлади. 1937—1939 йилларда Тошкент педагогика ишчилар факультетида ўқиди. Ўқишни тугатмай, 1939 йилда кўнгиллилар сафида армияга — Литванинг Каунас шаҳрига хизматта отланди. Уруш йилларида эса Ленинград, Белоруссия, Латвияда бўлиб қайтади. Урушдан сўнгти йилларда Калинин туманида пропагандист, ҳарбий комиссариат бўлим мудири, 1952 йилдан эса Оққўрғон туман партия комитети котиби вазифаларида ишлadi. 1960 йилдан 1987 йилгача туманимиздаги Ленин номидаги жамоа хўжалигига раис бўлиб, хўжаликни илгорлар қаторига қўшади.

Фиёсиддин aka одамлар кўнглига, қалбига йўл топа олди. Аъзоларининг яхши-ёмон кунларида бирга бўлди, уларнинг шодлигидан қувонди, ташвишига шерик бўлди. Шундан бўлса керак, одамлар уни яхши хотира билан эслайдилар.

Ой бориб, омон қайт

Бечора онаизор. Ўғиллари Зиёвиддинхон ва Асомиддинхонлар урушга кетиб уйлари ҳувиллаб қолгани етмаганидек, кенжа ўғли Фиёсиддин ҳам армиядан урушга ўтиб кет-

ди. Унга «Ой бориб, омон қайт» деб кузатиш ҳам насиб эт-мади. Лекин онаизор ҳар куни хаёлан ўғли билан сўзлашар ва унга умр тиларди. Фиёсiddин эса артиллерия қисмлари учун топографичи кадрлар тайёрлайдиган ҳарбий мактабда таълим олгани учун Каунас шаҳридаги 429-артиллерия полкига хизматга юборилди. Полк уч кеча тинимсиз йўл юриб, Германия чегарасига яқинлашганда, осмонда беҳисоб самолётлар пайдо бўлди. Бомбалар, снарядлар портлади. Фиёсiddин даҳшатдан ўзидан кетиб қолди. Ҳушига келганда ёниб тугаган танклар, қонга беланиб ётган солдатлар саноғига етолмай қолди. Полк командири Харламов тўпчиларга мудофаага ўтишни буюрди. Фиёсiddин эса баланд дарахтлар тепасига чиқиб, чегара томонни кузатиши лозим эди. У дурбинни бўйнига осиб, қарагай дарахтига олмахондай ўрмалаб чиқиб кетди. Не кўз билан кўрсинки, саноқсиз танк, машина, офицер, солдатлар сувдек оқиб келмоқда эди. Вазият ўзгарди. Полк орқага чекиниб, душман йўлини тўсиши керак бўлиб қолди. Неман кўли ёқасида Фиёсiddинга қалтис топшириқ берилди, у бошлиқ тўпчилар душман ўтадиган кўприкни вайрон қилиши лозим эди. Вазифа бажарилди. Кўприкдан ўтаётган немис солдатлари сувга қулашди. Кечга яқин немислар келиб, кўприкни тузатиб, яна ўта бошладилар. Кўприк яна тўпчилар томонидан вайрон қилинди. Бу фурсатда юзга яқин немис сапёрлари келиб кўприкни тузатишиди, лекин кўприк яна вайрон қилинди. Полк саккиз кунгача жон олиб, жон бериб жанг қилди. Солдатларимиз ярим ой азоб ичида йўл юриб, Ленинградга келишиди ва 1943 йил кўкламигача шаҳарни ҳимоя қилишиди.

Шунингдек, у Шарқий Пруссия, Кенигсберг шаҳри учун бўлган жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди ва III даражали Улуғ Ватан уруши ордени, «Жасурлиги учун», «Жанговар хизматлари учун» медаллари билан тақдирланди. F. Умаров ғалаба билан ота-она бағрига қайтди. Урушда дом-дараксиз кетган икки ўғли фироғида куйган ота-она ўғли Фиёсiddинни бир олам шодлик билан кутиб олди. Кейинчалик бу ўғил икки ўғиллари ўринини босиб, ота-онанинг ушалмаган орзуларини рўёбга чиқарди.

Ибратли авлод вакили

Фиёсиддин Умаров ниҳоятда одамий, меҳрибон эдилар. Улар акалари Фозилхон Умаровдан жуда миннатдор эдилар. Зеро, юксак ҳурмат-эътиборга сазовор бўлишларида у инсоннинг хизматлари катта. Фиёсиддин ака ҳам жиянлари Акромхонни ўз фарзандлари қаторида кўрдилар. Уни ўқитиб, уйлантиридилар. Ҳозирги кунда Акромхон олийгоҳ доценти, умр йўлдоши Ўғилой Иброҳимова эса туман матлубот жамиятининг раисаси Фиёсиддин аканинг умр йўлдошлари Ўлмасхон опа тиниб-тинчимас аёл, ўғиллари Дадажон Шредер номидаги боғдорчилик институтида катта илмий ходим, Ҳасанжон Ангрен шаҳрида, Тоиржон жамоа хўжалигига меҳнат қилмоқдалар. Қизлари Дилоромхон, Фотима-Зуҳралар эса оиласи, бири тарбиячи, бири ҳамшира. Фиёсиддин Умаровнинг акалари ҳозир 90 ёшдан ошдилар. У кишининг ўғиллари, Фиёсиддин аканинг жиянлари Абдужалил, Ихтиёрхон, Убайдулла ва Аҳаджон акалар ҳам ҳалол хизматлари билан эл назарига тушган, ҳалқ ҳурматини қозонган инсонлар. Айниқса, жиянлари Искандар Фозилхонов ёш бўлишига қарамай, Охунбобоев жамоа хўжалигига бош бўлиб, устози Зоирхон аканинг эзгу ишларини давом эттироқда. «От босмаган жойни той босар» деганлари шу бўлса ажаб эмас. Ҳа, шундай авлод бор экан. Фиёсиддин ака номлари барҳаётдир.

Ҳар сафар қабристонга борганимда, отам ва дўстлари қабрларини ҳам зиёрат қиласман. Улар руҳи доим шод, негаки авлодлар уларни унутмаган, унутмайди ҳам.

(“Истиқлол нури” газетаси,
13 октябрь 1994 йил)

ХАЁТ ЗАРВАРАҚЛАРИ

Кўпчилик берган баҳо

Эрта тонг. Файзли хонадондан чиқиб келаётган каттаю кичик, нуроний отахонлар ҳавас билан бир-бирларига сўзла-яптилар:

— Умридан барака топтур ўғил-қизлар, ҳаммаси бир-биридан хушмуомала, одобли-а?

— Нимасини айтасиз, саккиз ўғил, уч куёв, қуда-андалар, қариндош-уруғларнинг оқибатлиигини қаранг.

Ёш-яланглар ҳам хурсанд:

— Биз ҳам шундай кунларга етайлик.

Дарвоқе, лавҳамиз қаҳрамони Миракбар Мирпўлатов хонадони узоқ-яқиндан келган меҳмонлар, шогирдлар билан гавжум. Улар табаррук пайғамбар ёшини нишонлаяптилар. Дастурхонга эса ҳалим тортилмоқда. Нега ош эмас, дейсизми? “Сабабчимиз”: «Ҳалим — тансиқ таом, уни фақат Наврӯз арафасида пишириш шарт эмас. Ота-боболаримизнинг унутилиб кетиб, қайта тикланган бу миллий таомнинг қандай тайёрланишини фарзандларим кўрсин, ўргансин», — деб маҳалла оқсоқолларига маслаҳат согланда, улар рози бўлишди. Мана, энди дастурхонда ҳалим, ёшлар хизматда, кексалар иззатда, пайғамбар ёшига етган ота фарзандлар ардоғида. Бундай қувончли дақиқалар фақат ўзбек хонадонларига ярашади. Ҳа, айтганча, «Ҳалим жуда ширин бўлибди». Бу кўпчиликнинг баҳоси.

Умр йўллари

Миракбар Мирпўлатов Собир Раҳимов туманининг Чуқурсой даҳасида туғилди. Унинг ота-онаси oddий, меҳнаткаш инсонлар бўлиб, 5 қиз, 2 ўғилни тарбиялаб вояга етказдилар. Ота-онадан ибрат олган бу фарзадлар бир-бирига меҳрибон, аҳил ва оқибатли бўлиб ўсишди. Кенжа ўғил Миракбар ёшлигиданоқ ўткир зеҳни, одоби билан барчага манзур эди. Унинг ўсмирлик йиллари даҳшатли уруш йилларига тўғри келди. Шунинг учун у 10-

синфда ўқиб юрганидаёқ оиласа мадад бўлсин, деб Келес станциясидаги темир йўл болалар боғчасида мусиқа ўқитувчиси бўлиб ишлади, бунда унинг чилдирма чала олиши жуда қўл келди. Ҳам мактабда ўқиш, ҳам ишлаш уни ҳаёт синовидан ўтказди. У ишлаб чарчамас, илм ўрганиб толмас эди. Миракбар aka 1948 йил 17-мактабни туғатиб, Низомий номидаги Тошкент муаллимлар тайёрлаш олийгоҳининг тарих факультетига ўқишига кирди. Олийгоҳда ҳам у тезда устозлар тилига тушди, жамоат ишларида фаол қатнашди, мазмунли маъruzalari билан анжуманларда қатнашарди. Ўқиши имтиёзли диплом билан тугатиб, Октябрь районидаги 14-мактабда ўз фаолиятини бошлади. Айни вақтда шаҳар ички ишлар бошқармасида балофатга етмаганлар тарбияси билан шуғулланувчи инспектор вазифасида ҳам ишлади.

Белоруссияда 3 йил йигитлик бурчини ҳам шараф билан бажариб келди. Армия хизматида тобланиб қайтган Миракбар aka мактабларга жалб қилинмай қолган ёшларга таълим бериш курсига раҳбар қилиб тайинланди. Кейинчалик у ўзи ўқиган 17-мактабда илмий бўлим мудири лавозимида 25 йилдан ортиқ хизмат қилди.

Ҳозирги кунда пиру бадавлат Миракбар ота нафақага чиққанига қарамай, Келесдаги 1-катталар таълим марказига директорлик қилиб келмоқда. Мана, 48 йилдирки, у ўқитувчиликдек шарафли касбни эъзозлаб келмоқда. У — Халқ таълими аўлочиси.

Ха, Миракбар аканинг умр йўллари ҳар хил кўнгилсизликлар, вижонга хилоф ишлардан холи бўлди. Бу йўлда учраган хою ҳаваслар эса уни пок иймони ва мустаҳкам иродаси олдида ҳеч нарса эмас эди.

Таълим марказига марҳамат!

Миракбар ота билан сұхбатлашар эканман, уларнинг келажак авлод давомчиларига катта умид билан қарапашларини сездим. Негаки, улар шу кунларда таълим марказини гимназияга айлантириш ҳаракатида югуриб-елиб юрибдилар. Ахир, районимиз ёшлари бу марказда ўқиб, ҳунар ўргансалар айни муддао-ку!

— Бу йилдан марказимиз қызлар гимназиясига айлантирилади. 9-синфни тугатиб, бизга келган ёшлар ҳам ҳунар ўрганишади, ҳам 11-синфни битирғанлиги ҳақида етуклик шаҳодатномасини олишади. Гимназия асосан педагогик тарбияга мослаشتарилиб, қызлар кичик тарбиячи, мусиқа ўқитувчisi, кичик ҳамшира, бошланғич синфлар учун жисмоний тарбия ўқитувчisi ва бошқа күпгина касбларни згаллайдилар, — деди Миракбар ака. — Районимиз қызлари, сизларни ана шу марказда фидойи инсон Миракбар ота кутмоқда. Ҳунар ўрганишга марҳамат. Ўйлаймизки, сиз бундан фақат фойда кўрасиз.

Етти келин парвона

Миракбар ота «Бахт — оиласа», — дейдилар. Ҳақиқатан ҳам оиласа тинчи, хотиржамлиги бор инсоннинг ишда ҳам унуми бўлиб, кайфияти кўтаринки бўлади. Миракбар ота умр йўлдоши Назирахон аядан чексиз миннатдор. Бу катта оиласа 8 ўғил, 3 қиз тарбияланди. Ҳаммалари олий маълумотли. Катта ўғиллари Мирҳаёт қурилиш ташкилотида муҳандис, Мирзиёд 16-мактабда директор, Мирфаёз ички ишлар бошқармасида хизмат қилмоқда. Мирасқар ва Миракмал ҳайдовчи, Мирҳайдар чилангар, Шерзод талаба, Музаффар эса 11-синфда ўқимоқда. Қызлари Вазирахон, Наргизахон, Нафисахонлар ҳам кутубхоначи, ўқитувчи касбларини згаллаб, ҳозирги кунда ширин оила қуриб, фарзанд тарбияси билан бандлар. Күёвлар ўғилдан ҳам аъло. Айниқса, Назира ая келинларини мақтадилар: «Еттита келин туширдим. Ҳаммаси бир-бирдан лобар, чаққон. Катта келиним Гулчеҳрахон — муҳандис, Муҳайёхон — ўқитувчи. Бўлак бўлиб чиқиб кетгандарига қарамай, кунда келиб хабар олишади, тўй-ҳашамларимга бosh бўлишади. Келинларим Рафиқахон ва Раҳимахонлар эса опа-сингил, билмаган ишлари йўқ. Кейинги 2 ўғлимга ҳам шу келинларимнинг жиянларини олиб бердим. Муқаддасхон келиним эса миришкор, дала ишларида ўнг қўлим. Ўзим 28 неварали бўлдим. Худога шукр, невараларим ҳам одобли. Эндиgi орзуим — кенжатойим

Музаффарнинг ҳам тўйинни кўриш, саккизинчи келинни тушириш.

— Иншоолло, ниятингизга етинг.

Миракбар ота бу фарзандларни уйли-жойли қилдилар. Албатта, бу ишлар осонликча бўлмади. Улар фарзандлари билан биргаликда Охунбобоев жамоа хўжалигидан ер олиб, тинимсиз ишладилар. Картошка, карам, саримсоқ пиёз, сабзи ва рўзгор учун керакли барча маҳсулотларни экиб, ортиқасини жамоа хўжалигига бердилар. Ипак қурти боқдилар, эндиликда эса бу меҳнатнинг роҳатини кўрмоқдалар. «Меҳнат қилган — элда азиз» деганлари шу-да!

Миракбар отанинг орзулари кўп. Биз ҳам уларга соғлиқ, узоқ умр тилаб, орзуларининг амалга ошишини тилаб қоламиз.

(“Истиқлол нури” газетаси,
25 июнь 1994 йил)

МАҚОЛАДАН СЎНГ

Дунё ўткинчи, ҳеч ким абадий яшамайди. Лекин эзгу ишлари билан инсон иккинчи умрини кечирар экан. Миракбар Мирпўлатов бу ҳаётдан кўз юмгандарига ҳам тўрт йил бўлди. Турмуш ўртоқлари, бизнинг доно, оқила, оқ кўнгил аммажонимиз Назирахон опа иззат-икром билан фарзандлар, набира, абиралар қуршовида яшаятилар. Ҳаж сафарига бориб Ҳожи она бўлиш уларга насиб этди. Уч қиз, уч куёв, саккиз ўғил, саккиз келин, қирққа яқин набиралар, ўндан ортиқ эваралар аммажонимизни еру кўкка ишонмай ардоқлашади.

Биз ҳам ота авлодимиздан қолган ягона аммажонимизни яхши кўрамиз, бирор йифин, тўй-ҳашам уларсиз ўтмайди. Мақолада тилга олинган фарзандлар масъуль вазифаларда, яқинда Ўзтелерадиокомпаниянинг “Ёшлилар” каналида режисёр бўлиб хизмат қилаётган жиянимиз Шерзод Мирпўлатов “Шуҳрат” медали билан тақдирланди. 16-мактаб директори Мирзиёд Мирпўлатов эса “Халқ таълими аъло-чиси” нишони билан тақдирланди. Кенжা ўғил Музаффар

ҳам умр йўлдоши Дилоромхон билан аммамиз дуосини олиб ота ҳовлида яшайди. Қолган етти ўғил алоҳида уй-жой қилиб ён атрофда яшайдилар.

Ҳа, Миракбар ота ишларини ўғил-қизлари давом эттиришяпти. Оилада тинчлик, фаровонлик, демак, ота тарбияси, ибрати, она ўгити, меҳри бесамар кетмаяпти. Қанийди, шундай оиласлар кўпайса.

Бизнинг эса ягона тилагимиз – аммажонимизнинг умрлари узун, тан-жонлари соғ бўлсин. Зеро, уларни кўрганда отамизни кўргандек бўламиз.

ЖАННАТ БУ — БОҒДИР

Шу файзли, тўкин ёз кунларида саховатли боғларимизга, ёниб-жўшиб ишлаётган кишиларга меҳр ва ҳавас билан тикиламан. Улардаги кўтаринки кайфият, ўз ҳаётлари, амалга ошираётган ишларидан мамнун эканликларини кўриб қалбим жунбушга келади. Ҳа, истиқлол, иқтисодий ислоҳот замин заҳматкашларига ана шундай ажойиб кунларни баҳшида этди.

Ҳадемай Ўзбекистон мустақил давлат бўлганига беш йил тўлади. Бу истиқлол осонлик билан қўлга киритилмади. Халқимизнинг қанчадан-қанча асл фарзандлари бу кун учун жон олиб, жон бердилар. Ҳозирги кунда уни мустаҳкамлаш учун барча бир тану бир жон бўлиб, ҳаракат қилаяпти. Юртимиз, истиқболимиз фидойилари ҳақида ўйласам, кўз ўнгимда Р.Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорацияси бош раҳбари, табаррук инсон, академик Маҳмуд Мирзаев қиёфаси гавдаланади. Боиси, домла азиз умрини, бор салоҳиятини ўлкамизни гуллаб-яшнатишга, боғ-роғлар яратиб, мевали дарахтларнинг энг сархил навларини бунёд этиб, эл дастурхонини ноз-неъматга, мева-чевага тўкин-сочин қилиш ишига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Эндиликда мактаб яратган, кўпдан-кўп қўли гул миришкорларни тарбиялаган академик Маҳмуд Мирзаев номи зўр ҳурмат ила тилга олинишининг боиси ҳам шунда. Эндиликда домла раҳбарлик қилаётган

даргоҳ етказиб бераётган күчатлар, мевали дараҳтларнинг ранг-баранг навлари кириб бормаган хўжалик, хонадон қолмади ҳисоб. Олим 75 ёшни қаршилаган бўлсалар-да, ҳамон ўша жўшқинлик, ихлос, иштиёқ билан иш юритиб, улуғ режаларни бирин-кетин рўёбга чиқармоқдалар. Авваллари ҳам Маҳмуд Мирзаев ҳақида кўп эшигандим. Хона-донимизда у кишининг отамга дастхат ёзиб берган кўп китоблари сақланади. Падари бузрукуворимиз бу заҳматкаш олим ҳақида ҳамиша берилиб ҳикоя қиласидилар.

Домла ҳузурига кетаяпману ҳаяжонланаман. Ҳалқа йўлнинг икки томони ям-яшил рангга бурканган. Бу ерлар нинг табиати ўзгача. Бир-биридан серҳосил, файзли дараҳтлар, анвойи гуллар, мусаффо ҳаво баҳри дилингизни очиб юборади. Дилемга ажаб бир нафосат кириб келди. Академик ҳузурига кирап эканман, домланинг салобати босди. Мақсадимни билгач, «Мен ҳақимда эмас, ана, Сиддиқжон Муҳаммаджонов ҳақида ёзинг» дедилар. Шунда ёнимдан бир сурат олиб, у кишига кўрсатдим. Академик суратга тикилганча ўйга толди. Боиси, унда жаннати инсонлар: Турғун Мирзаев, Фиёсиiddин Умаров, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев ва отам Зоирхон Жалилов табассум қилиб туришарди. Маҳмуд ака беихтиёр улар ҳақида тўлқинланиб гапира кетди: буларнинг бари топилмас одамлар эдилар. Кўпларнинг уйларида, тўйларида бўлганман. Суратда акс этган баракали узум ҳосили фидойи меҳнат самараси. Балки ҳозир бу боғ серҳосил эмасдир. Чунки боғга қарамай қўйилса, ҳосил бир йилдаёқ камаяди...

Бахтимга сурат баҳона бўлиб суҳбатимиз қизиб кетди.

... Айни ёз. Ўрик, гилос фарқ пишган палла. Тошкентнинг Қоратош маҳалласидаги «Тиконли мозор» деб аталувчи даҳасида фарзанд дунёга келди. Ўшанда 1921 йил эди. Мирза Иброҳимов ўғлига яхши ният билан Маҳмуд деб исм қўйди. Болакай туғилган бу маҳаллада аллома шоирлар Ғафур Ғулом, Ойбек ҳам истиқомат қилишарди. Маҳалла болалари билан бирга ёш Маҳмудга ҳам улар билан ҳамсуҳбат бўлиш насиб этди. Унда адабиётга, шеъриятга ҳавас эрта уйғонди. Мирободдаги темир йўл мактабида ўқиди. У ерда

ажайиб инсонлар Миржалол ака, Сиддиқ акалардан таълим олди. Унинг амакиси Мирёқуб Иброҳимов кўпинча жияни Маҳмудни отга мингаштириб Қовунчи, Аччи, Ҳасанбой далаларига олиб борар, тоза ҳаво, гўзал манзаралар ўшанда уни фоят мафтун этарди. Айниқса, қовун полизлар ичидан беданалар тутиб чиқиш гаштли эди. Бироқ бу қувончли кунлар узоққа чўзилмади. Ёш Маҳмуд аввал онасидан, сўнг отасидан ажралиб қолди. Шу кўйи бир опа ва икки сингил тирикчилиги унинг зиммасига тушди. Отаси нинг «Ҳеч қачон иродангни букма, илм ол, сиддикилдан меҳнат қил, шундагина барака топасан» деган ўғитига амал қилиб, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг боғбоносоҳибкор бўлимида ўқий бошлади. Ўқишидан сўнг профессор, устози Солоним лабораториясида, кечқурунлари эса хонадонларда ишлаб кун кечирди. Вақти келса, қўшниларининг боғ-роғига қаради, сигирини боқди, тунда эса дарс тайёрлаб, тонг отиши билан институтга югурди. Ҳозир бу гаплар гўёки эртакка ўхшайди. Ўқувчилардан: «Нега дарс тайёрламадинг» деб сўрасангиз, арзимаган баҳонани рўкач қилишади. Бахтга қарши баъзи ёшлар ҳар дам ғанимат эканлигини, дақиқалар қадрига етмаслик бу — катта имкониятни бой бериш эканлигини тушуниб етмайдилар. Маҳмуд ака ва унинг авлоди қийинчиликлардан чўчимай, вақти келса қаро терга ботиб ишлаб, мақсад сари дадил интилиб яшади. Ҳаётни, она заминни севиш, ардоқлашни улардан ўрганиш керак!

Халқимизда «Бола бошидан, ниҳол — ёшидан» деган нақл бор. Тиришқоқ, билимдон, янгиликка интилиб яшончи талабани ўқишини битириши биланоқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазири муовини Қосим Раҳимов Сурхондарёга ишга юборди. Ишончни оқлаш, заминни яшнатиш учун ўзини аямай ишлади. Шўрчи тумани тузилгач, Маҳмуд акани Термиздаги хўжаликка агроном қилиб тайинлашди. Кейинчалик ташкилотчи, масъулиятни зиммасига ола биладиган, ҳамиша ҳақ йўлга қайишадиган 22 ёшли йигитни Тошкент вилоятидаги «Қиброй» хўжалигига аввал агроном, кўп ўтмай эса бosh раҳбар этиб кўтаришди. Ҳам иш, ҳам аспи-

рантурани давом эттирди. Машұр олимлар Н.В.Ковалёв, Я.А.Катц, Дробов, Солоним сабоқлари беиз кетмади. Маҳмуд Мирзаев тезда номзодлик ишини, кейинроқ докторлық ишини мұваффақиятли ҳимоя қылды. 1948 йили ажойиб инсон Юсмон Юсупов ва Манзир Мирзабековлар таклифи билан Шредер номидаги институтта ишга ўтди. Маҳмуд ака ўша йилларни шундай хотирлайды:

— Бу ерга ишга келганимда 60 гектар ери, 30 нафар илмий ходими бор эди. Бироз ўтгач, институтта айлантирилди, бўлимлар ташкил бўлди. Улуғларимизнинг катта маддади, узоқ вақт мобайнида қилингган саъй-ҳаракат, излашишлар туфайли даргоҳимизда ўзига хос тажриба мактаби яратилди. Ҳозир эса еримиз кенгайтирилди. 250 нафардан ортиқ илмий ходимлар, 8 мингдан ортиқ хизматчилаrimiz бор. Азалий одатга кўра нуронийлар, асл миришкорлар билан тез-тез маслаҳатлашиб тураман. Шунда жуда кўп муаммолар ўз ечимини топади. Оддий кишиларнинг фикр-мулоҳазалари тўғри хулосалар чиқаришда асқотади. Юрагимдаги гап, мен академикман, мен олимман деб асло ўз имкониятингга ортиқча баҳо бермаслигинг керак. Боиси умримизнинг охиригача халқдан ўрганамиз, унга суюниб яшаймиз. Кибр-ҳаво, ўзини ўзгалардан ажратиб кўрсатиш пайдо бўлиши билан ишдан, жамоадан барака кўтарилди деяверинг. Баҳони халқ беради. Камтар ва камсуюқум, асосий ишлар ҳали олдинда, деб билиш чин инсоний фазилатдир!

Дастлаб 700 гектарга сув чиқариб, Кенсой томонларни ободонлаштирилди. 25 та болалар боғчалари, мактаблар, уйлар қуриб, ходимларимизни ватанли қылдик. Ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат бор жойда иш олдинга босаверади. Биз ҳеч қачон кишиларни яхши ёки ёмонга ажратмадик. Барчани зўр омилкорлик, фидойилик кўрсатиб ишлашга унладик. Лозим бўлганда ўзимиз шахсий намуна кўрсатишга ҳаракат қылдик. Шунда иқтидори кўтартмаган баъзилар раҳмат айтиб бошқа соҳага ишга ўтишди. Демоқчиманки, ҳар қандай ишни яхшилик билан ҳал қилиш керак. Бизнинг даргоҳда муайян вақт ишлаб, ҳозир бошқа соҳада фаолият

юритаётган баъзи кишилар мен билан қўл олиб кўришаётгандарида кўзларида меҳр ва миннатдорчилик порлагандек бўлади. Шунда фақат яхшилик уруғини сочиб яшаётганинг гимдан фахрланаман!

Меҳнатимиз ўз самарасини кўрсатди. Ҳозир институти миз бутун республикамизни кўчат билан таъминлайди. Меваларни қайта ишлаш цехлари, виночилик ишлари яхши йўлга қўйилган. Олманинг 600, шафтолининг 400, ўрикнинг 500, узумнинг 1000 хил нави бор.

Институт қошида мевачилик ва боғдорчилик техники, бир йиллик боғбонлар тайёрлаш мактаби ишлаб турибди. Шунингдек, аспирантура ҳам бор. Олим нашр этган 350 дан ортиқ илмий-амалий ишлар эндилиқда кўпларга қўл келяпти. Шу кунгача 50 дан ортиқ илмий ходим номзодлик ишини ёқлади. Булар орасида Москва, Молдова, Қрим, Қирғизистондан келиб фан номзодлари бўлиб кетгандар кўпчиликни ташкил этади. Ҳозир улар ўз мамлакатларида Маҳмуд Мирзаев мактабида олган сабоқларини амалиётга жорий этиб, ажойиб боғроғлар бунёд этмоқдалар. Институт Туркия ва Араб мамлакатлари билан илмий ҳамкорликлар қилмоқда.

Дарҳақиқат, ақл ёшда эмас, бошда. Мана, 48 йилдирки, Маҳмуд Мирзаев дунёга донғи кетган институтга бош-қош бўлиб келмоқда. Ҳамон юракда яшаш, яратиш ишқи, кўнглида эса ҳаётга муҳаббат жўш урмоқда. Бу бош боғбонимизга мадад ва куч ато этмоқда!

Олим билан суҳбатлашар эканман, у киши мақоллар ва ривоятларни жуда яхши билишига гувоҳ бўлдим. Қуръони карим, ҳадисларни, Алишер Навоий, Амир Темур ўйтларини ёддан билиши мени ҳайратга солди. Уйларида барча соҳаларга оид китоблар бор. Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг асарлари, «Табобат дурдоналари», «Дилшоди Барно», «Увайсий асарлари ва Имом Бухорий ҳадисларига доимий равишда мурожаат қиласан эканлар.

— Бозор шароитида муаммолар етарли, — дейди академик. — Қанчалик тажрибали, ўқимишли бўлмагин, баъзида бирон муаммони ҳал этиш учун ўйланиб қоласан киши.

Шунда Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳаётимиз дастуриламалига айланган асарларига мурожаат қилиб, мушкулимиизни осон этамиз. Зеро, улар бозор шароитида яхшироқ меҳнат қилиш, қийинчиликларни омилкорлик ва сабрматонат билан енгиш, ташаббус кўрсатиб мақсадга эришиши ўргатувчи бебаҳо қўлланмадир.

Қайси соҳада ишламасин, инсонга сабр керак. Мен учун жаннат бу боғдир. Инсон тирик экан, кўчат экиб, боғ — жаннат барпо этмоғи лозим. Чунки ундан эзгу ном ва боғ қолади. Фарзандларимиз лаззатли мевалардан тўйиб-тўйиб есалар соғ-лом ўсадилар. Шунинг ўзи биз учун катта мукофот!

Академик Маҳмуд Мирзаевдан узоқ умр кўриш сирини сўраганимда: «Меҳнат, ҳаётга муҳаббат, ўзгалар ютуғидан қувона билиш — умр гарови. Ҳасад, нафс балоси, баҳиллик умр эговидир» дега лўнда жавоб қилдилар. Ҳақиқатан ҳам Маҳмуд aka ўз баҳтини меҳнатдан топган инсонлардан. У кишининг фарзандлари Ҳусния опа, Мирмақсуд ва Ҳотамлар, набиралари ҳам ота йўлидан кетишяпти.

(“Қишлоқ ҳаёти” газетаси,
14 июнь 1996 йил)

САДОҚАТНИНГ СЕҲРЛИ СУРАТИ

*Назокат пайтишас, яқинроқ келинг,
Буюк том қошида айлангиз салом.
Шу содиқ бевага самдалар қитинг,
Шу содиқ бевага айтинг эҳтиром.*

Абдулла ОРИПОВ

Исми жисмига монанд, садоқати ва меҳнати ила обрў топиб, иззату икромда яшаётган аёлларимиз оз эмас. Уларнинг ҳаёт йўли, ўз ишига фидойилиги кўнгилларга илиқлиқ баҳш этади. Азал-азалдан аёллар ҳаётимиз кўрки, хонадонимиз ободлиги, дардимиз малҳами бўлиб келган. Азизу мўътабар Мукаррам опа! Бугун сиз ҳақингизда ҳикоя қилмоқчиман. Бу шундай ҳикоя бўлсинки, Сиз ҳақингизда билмаганлар садоқатингиз ва иродангиз олдида бош эгсинлар,

шундай аёллар борлигидан, улар билан бир ҳаводан нафас олиб яшаётганларидан фахрлансинлар.

Ота-онанғиз күнгилдагидек жой бўлгани учун «Тенги чиқса, текин бер» деганларига амал қилиб, 16 ёшда сизни Мирмаҳмуд Мирсаидовга турмушга беришди. Дастлаб ўғил кўрдингиз. Аммо... уруш Сизнинг бахтингизни кўп кўрди.

— Мирмаҳмуд ака агроном, мен эса табелчи эдим. Ҳаёти-миз тинч, бахтимиз бутун эди. Уруш бошлангач, Мирмаҳмуд ака малака оширишга кетдилар. 1942 йилда эса фронтга. Қизим Муҳаббат ўшанда 8 ойлик чақалоқ эди. Кузатгани чиқдим. Улар менга «Ўзингга эҳтиёт бўл, мен албатта қайтаман, фақат умид билан кут» дедилар. Шунга ҳам 55 йил бўлибди. Ҳали ҳамон қулоқларим остида шу сўзлар жаранглайди.

Ҳа, Мукаррам опа! Сиз учун энди синов бошланди. 6 ёшли ўғлингиз Мирабдулла касалликдан вафот этди. Тили чиқаётган қизингиз ҳар куни отасини йўқларди. Сиз эса балки шу сўзлар билан уни овутгандирсиз, ҳазин қўшиғингиз дилдан тилга чиқмагандир. Лекин мен қўшиқни, ҳасратларингизни тинглар эканман, сўзимни шундай мисраларда ифодаладим:

Фақат сен йиглама, йиглама, қўзим,
Юрак тўла зардоб, тиглама қизим!
Отам келмасми леб ғашлама кўнглим,
Йўлига кўз тикиб ўтяпман ўзим.

Сиз ёлғиз қизингиз Муҳаббатга бор меҳрингизни бердингиз. Қайнотангиз «Қизим, қийналиб кетдинг, энди уйингга бориб тура қол» дейди. Отангиз эса «Қайнотанг, қайниларингни ёлғиз ташлама, уларга бош бўл» дейди. Ота амри вожиб, сиз қайнотангизни кида яшайверасиз. Энди оиласа ёрдамингиз керак. Сабзи ўтоқча чиқиб, бир ойда 16 сўм пул оласиз. Шунда дала мудири келиб, сизни идорага чақиради. Қайнотангиздан рухсат олиб, идорага чиқасиз ва табелчи бўлиб ишлай бошлайсиз. Ёшсиз, шижоатлисиз, ҳам хотин-қизлар кенгаши раиси, ҳам бош табелчи, ҳам комсо-

мол қўмитасининг котиби бўлиб ишлайсиз. Ўзингиз айтгандай, сўзингизни ҳам, йўлингизни ҳам ҳеч кимга бермайсиз.

Уруш тугади. Кўзларингиз тўрт. Аммо кутганингиздан дарак йўқ. Яна ишдан аламингизни ола бошлайсиз. 1946 йилда партия сафига ўтиб, «коммунистлар жойи далада» деб, далага чиқиб кетасиз. У дамларни шундай эсладингиз:

— Уруш тугаган, 1946 йиллар. Аммо очарчилик. Тушликка катта қозонда атала қилинади. Ҳар куни қозонни тўртга бўлиб, тўртта одам қозон юқини ялайди. Бу ҳам талаш. Далага пахта экилган. Ҳаммаси аёллар. Бор-йўғи уч эркак: бири сувчи, бири бошлиқ, БИРИ қанор тикяпти. Мен эса 50 килоли қанор тўла пахтани кўтариб аравага ортяпман. Шунда «Вилис» машинаси келиб, ундан бир аёл ва рисимиз тушишди. Аёл «Сен қанор тиксанг бўлмайдими, анави эркак эса қанорни ортмайдими» деди. Афсус, ногиронлиги сабабли урушдан қолган бу эркак мен кўтараётган қанорни кўтаролмасди. Бу аёл район қўмитаси котиби Каромат Тошпўлатова экан. Мени машинага ўтказиб, қишлоқ кенгашига олиб келди, сўнг қишлоқ кенгашига раис этиб тайинлашди. Ўшанда 26 ёшда эдим. 1950 йилгача шу ерда ишладим. Ишни солиқ йифишдан бошлаганман. 1950 йилда тўртта жамоа хўжалиги бирлаштирилиб, Охунбобоев номи билан аталди. Тўртта эркак раис қолиб, мени раис этиб сайлашди. Икки йил ишладим, одамлар билан тил топишдим, аммо саводим етмаётганини ўзим сезардим. Раис қилиб сайланганимда «Энди ишлаб топганларинг фақат упа, тақинчоқ, ялтироқ кийимларга кетади» деган айрим эркакларга қасдма-қасд ишладим. Ҳар куни кечқурун мажлис, югурюгр. Район, қишлоқ, вилоят кенгашига депутатман. Шу орада мени 15 кунга Туркманистонга юбориши. Келганимдан сўнг бўшатиши. 1952 йилдан партия қўмитаси котиби бўлиб ишладим. 1962 йилда уч йиллик раислар тайёрлайдиган курсга ўқишига юбориши. Унгача ёш, ҳам илмли, ҳам тадбиркор Зоирхон Жалиловни раис этиб сайлашди. Хурсанд бўлдим, иш ҳам юришиб кетди.

1965 йилдан яна партия комитети котиби, сўнг ферма мудири бўлиб ишладим. 15 йиллик мудирлик ишимда чорва-

чилик ривожланди. Мана, ҳозир 77 ёшдаман, ёлғиз қизим Мұхаббат ўзидан күпайды. Набиralарим Дилшод Бобохонов — ички ишлар вазирлигига вазир мувини, Дилмурад — фирмада, Дилфуза, Донохон — боғча мудираси, Умида — уй бекаси, 10 та зварам бор. Қуёвим Раҳматжонни ўғлим деганман. У вилоят бошқармасида бошлиқ ўринбосари, малакали ҳуқуқшунос. Қизим Мұхаббат узоқ йиллар «Тошкент» совхозига қарашли боғчада мудира бўлиб ишлади. Ҳозир район ҳалқ таълими бўлимида методист.

Сиз сўзлайверсангиз, мен эшиштаверсам. Ахир, 40 йилдан ортиқ турли лавозимларда, раҳбарлик ишларида ишлаш, одамлар қалбига йўл топиш осон бўлмагандир. Эшишишмича, сочлари қирқ кокил, келишган жувон бўлгансиз. Сизга оғиз солғанлар ҳам, бир қиз билан ўтиб кетасанми, дегувчилар ҳам кўп бўлгандир. Сиз эса дом-дараксиз кетган турмуш ўртоғингизни 55 йилдирки, кутасиз. Мен сизнинг сиймонгизда садоқатнинг сеҳрли суратини кўраман. Сизнинг ҳаётингизда шоир Абдулла Ориповнинг «Аёл»ини кўраман:

Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда,
Ҳайкал ҳам қўйингиз бамисли хаёл.
Шундайлар бўлмаса агар дунёда,
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.

Муҳтарам Мукаррам ая Юнусова! Сизнинг ҳузурингиздан чиқар эканман, ҳаёт мазмунини Сизда кўрганимни англадим. Шоир таърифлаб, кўкка кўтарган садоқатли аёл бизнинг сафимизда ҳам борлигидан кўнглим фууррга, дилим ифтихорга тўлди. Умрингиз зиёда бўлсин, юз билан юзлашиб Сизга насиб этсин. Ушбу мисраларим эса Сизга баҳшида.

Садоқатни улуғлаган Мукаррам зотсиз,
Вафо танқис бўлса қайда, бу ҳаёт totsiz.
Ҳалол меҳнат унуттирас дарду аламни,
Лойиқсиз минг эҳтиромга, гўзал ҳаёт — Сиз!

(“Истиқол нури” газетаси,
13 марта 1995 йил)

ОДИЛ КИШИ ОЙДАЙ, ОҚИБ ТУРГАН СОЙДАЙ

Томчилардек саноқсиз

Имом Исмоил ал-Бухорийнинг «Одоб дурдоналари», ҳадислар тўпламидаги ушбу ривоят мени йўлга чорлади. Аббод ал-Ансорий ҳикоя қилишларича, кунлардан бир куни ҳазрати Усмоннинг ўғиллари Амр амакиси Абдуллоҳ ибн Салломга яхши илтифот қилмади, бегоналардек сўрашди. Шунда Абдуллоҳ шундай дейди:

«Эй Амр, Мұхаммад алайҳиссаломни чин пайғамбар қилиб юборган Аллоҳ Таоло номи билан қасамёд этаманки, Аллоҳнинг китобида «Отангга яқин бўлган кишидан алоқани узма, агар узсанг, нуринг ўчади», — дейилган. Яна бир ҳадисда ёзилишича, отаси вафотидан кейин ҳам яхшилик қилишни истаган фарзанд унинг дўстларини ҳурматлаши лозим экан.

Менинг суҳбатдошим ҳам раҳматли отам Зоирхон Жалиловга 40 йилдан ортиқ ҳам дўст ва устоз бўлган ажойиб инсон Сиддиқжон Мұхаммаджонов бўлди. Келесдан ўтиб Мұхаммаджон Фозилов жамоа хўжалиги ҳудудига кирап эканмиз, кўчаларнинг озода ва саранжом-саришталиги, йўлнинг икки чеккасига қатор қилиб экилган ёш терак баргларининг майин рақси, ҳар бир хонадон эшиги ёнидаги ранго-ранг гуллар атри кўнглимизни кўтариб юборди. Бизни Сиддиқжон отанинг келинлари Мавжудаҳон кутиб олдилар. Орадан кўп ўтмай Сиддиқжон ота ҳам келдилар. 74 ёшни қоралаган отахон ҳали бардам-тетиклар, фақат соchlари оппоқ. Айни пешин, кун иссиқ бўлишига қарамай дўстлари Баҳромбек акадан ҳол-аҳвол сўрашга касалхонага борган эканлар. Суҳбатимиз бир зумда қовушиб кетди, лекин тез тугамади, кўп нарсаларни билиб олдим, ўргандим ҳамда суҳбатдошимнинг нафақат қишлоқ хўжалиги, балки ҳалқ таълими, тиббиёт, тарбия, оила масалаларига ҳам бефарқ эмаслигига гувоҳ бўлдим. Сиддиқжон отада чин инсонга хос фазилатларнинг барчаси мужассам.



Огам – Зоирхон Жалилов
(1927 – 1988)



Волидаи муҳтарамам – Маъфиратхон Жалилова



“Онам бор – давлатим бор”, – дердилар отам.
“Битта ўғил бўлса-да, ўнтага татийди”, – дердилар бувим.
Баҳринисо она ўғли Зоирхон Жалилов билан

Набиралар –
Носирхон ва Дилябархон
бувижонлари билан
яйранади





Огам жамоа фаоллари билан (1981 йил)



“Бургутдек жасоратли бўлинг”, – дердилар отам биз
фарзандларига. Пятигорск, 1984 йил



Отам Зоирхон Жалилов Болгария сафарида



Болгариялык дүйстлар лаврасида (чапдан биринчи – отам),
1983 йил



Зоирхон Жалилов, ҳамфир, маслакдош дүстлар • Қойил ака,
Фиёсилдин Умаров, Сиддиқжон Мұхамаджонов умр йүлдошлари
билин ойлада ва дам олишда доим биргә әділар



Тұрт авлод вакиллари



Зоирхон Жалилов ва Маъфиратхон Жалилова



Зоирхон Жалилов устозлар ва дўстларидан ўрганар, уларни доим ардоқлар эди. Мана, улардан айримлари: Т.Мирзаев, Ф.Абдуллаев, С.Муҳаммаджонов



Рустам Акбаров – отам ва оиласиз учун қадрли инсон



Турли анжуман ва конференциялардан лавҳалар



Сулоламиз давомчиси,
тўртинчи авлод вакили –
Зоирхон



Тўртинчи авлод вакиллари – Азаматбек ва Аслзода



“Данагидан мағзи ширин” – деб эркалардилар отажоним
набиралари Беҳзод, Гулюз ва Назокатларни



Зоирхон аканинг фарзандлари



Катта ўғил (марҳум) Фозилхон Жалиловнинг оила аъзолари



“Бир томчи сувдек” отамизни эслатувчи акамиз Равшанхон Жалилов ва Ҳалқ таълими аълочиси Зухра Жалилова оила аъзолари билан



Китоб муаллифи – Маҳмудаҳон Валисва оила аъзолари даврасида доимо баҳтиёр



“Зоирхон Жалилов” фермер хўжалиги раҳбари, ота издоши Авазхон ва Ҳалқ таълими аълочиси Наргизахон келинлари Мухлисаҳон ва набиралари билан



Шифокор қизлари Ферузахон Мансурова оила аъзолари билан



Кенжатой қизлари Дилфузахон Ёрмуҳамедова
оила аъзолари билан



Набира Назокатхон умр йўлдоши Бобуржон ва фарзандлари билан



Ўғил – Авазхон оила аъзолари билан



Кайта опа – Мухаррамхон
Жалилхон қизи
(1923-1983)



Фазилхон Зоирхон ўғли
(1950-1991)



Зоирхон Жалиловнинг ёлғиз сингиллари – Назирахон ҳожи она
умр йўлдошлари билан

У жамоа хўжалигида истиқомат қилаётган 1000 хўжалик, 7000—8000 аҳолининг иссиқ-совуғидан хабардор, уларнинг янада фаровон яшашлари учун имкониятлар қидириб топаётган тадбиркор ва фидойи раҳбар. Мен Сиддиқжон отани улкан фавворадан отилаётган сув томчиларига қиёслагим келди. Томчилардек савобли ишлари ҳам кўнгилларни хушнуд этмоқда. Томчилар саноқсиз бўлганидек, мен ҳам Сиддиқжон отанинг беҳисоб ишларидан айримларини ҳикоя қилмоқчиман.

Ота-она дуоси — ўтга, сувга ботирмас

Муҳаммаджон ота ва Шакархон аялар 10 нафар фарзанд — беш ўғил, беш қиз кўрдилар. Иккинчи фарзандларига яхши ният билан, тўғри сўз, вафодор бўлсин деб, номини Сиддиқ қўйдилар. Ҳазрати Абу Бакрнинг лақаблари ҳам шундай бўлган экан. Бу оила аъзолари турмушнинг аччиқчучугини кўп кўрдилар. Муҳаммаджон ота 1930—40 йилларда шу хўжаликка раис бўлиб ишладилар, кейин эса 1948 йилгача Сирдарёда хизмат қилиб, яна шу жамоада меҳнат қилдилар. Афсус, 1949 йили идорада иш пайтида тўсатдан вафот этдилар. Фарзандлари Сиддиқжон aka туманимиздаги 4-мактабнинг биринчи қалдирғочларидан бири бўлдилар. Ўқиши тутатгач, иқтисод техникумига кириб ўқидилар, кредит бўлимини битириб, уч йил банкда ишладилар. Шу орада уруш бошланиб, Туркманистоннинг Карки шаҳрига бориб 3 ой хизмат қилиб, соғлиқлари ёмонлашгач, она қишлоқларига қайтиб келдилар. Ўша вақтгача 12 дан ортиқ киши хўжаликка раис бўлган экан, 3 йилдан ортиқ Сирдарёда ишлаб келган Сиддиқжон aka 1949-52 йилларда агроном бўлиб, ҳамқишлоқлари ишончини оқладилар. 1952 йил 10 февралдан то шу қунгача жамоа хўжалиги раиси, 44 йил ичида кўп ишлар қилинди, бу муваффақиятлар сабабини сўрадим: «1949 йилда отамдан ажралгач, сингилларим, укаларимга оталик қилдим. Кичик синглим Ўқтам 2 ёш эди, ҳаммасини уйли-жойли қилдим. Укам Юсуфжон узоқ йил мактабда ўқитувчилик, директорлик қилди, яна бири Иб-

роҳимжон тараж мудири. Сингилларим ҳам шу хўжаликда яшашади, мени «ота» дейишади. Мен ота-она дуосини олганман, бунда гап кўп. Шу дуо мени ўстирди, элга танитиди». Дарҳақиқат, «Олтин олма, дуо ол», деганлари шу бўлса ажаб эмас.

Ҳар соҳадан бир шингил

Сиддиқjon ота билан турли мавзуларда узоқ суҳбатлашдик. Шундан айримларини ҳавола этамиш.

- 74 йил давомида орттирган бойлигингиз?
- Бойлигим — олти фарзандим.
- Қайси бири раис бўлади?
- Ҳеч бири. Ўғлим Собиржон ЎзТВда овоз режиссёри, Собитжон ва турмуш ўртоғи лабораторияда ишлайдилар. Комилжон — шу хўжаликдаги шифохона бош шифокори. Соибжон — иссиқхонада газчи. Қизларим Хатирахон — муаллима, Ҳафизахон тўқимачилик институтини битирган, модельер.
- Невараларингиз нечта?
- 30 тадан ошар, эвараларим эса 12 та, буни аниқ биламан.
- Кимларни зъзозлайсиз?
- Софдил, меҳрибон одамларни. Ҳудо барчани яхшилик қилиш учун яратган экан, ҳар ким қўлдан келганча яхшилик қилсин.
- Кимларни ёқтирумайсиз?
- Ёлғончиларни, иғвогарларни.
- Устозларингиз?
- Бошқар Нишонов, Маҳмуд Мирзаев, Турғун Мирзаев, Гуломмаҳмуд Абдуллаев.
- Ишонган шогирдларингиз?
- Акбар Сулаймонов, Рихсивой Ортиқов.
- Уч оғайни ботирлар ким?
- Мен, раҳматли Fiёс Умаров ва Зоирхон, бизни шундай деб аташарди.
- Биз билмаган унвонларингиз?
- Ҳалқ маорифи аълочиси, Соғлиқни сақлаш аълочиси.
- Мактабдаги севимли устозларингиз?

— Адабиёт ўқитувчиси Қодир Гуломов ва физика ўқитувчиси Акмал Обидовлар.

— Нимадан норозисиз?

— Ота-онасини норизо қилған одамсифат олифталарапдан, сув қадрини билмай зилол сувни ифлослантирган ношукр бандалардан.

— Оила тинчлиги кимга боғлиқ?

— Эр-хотинга, икки томон бир-бирига иззат-ҳурматда бўлмоғи керак. Ўринсиз жанжаллар эса бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

— Ниятингиз?

— Бу йил Ҳадича холангиз билан турмуш қурганимизга 50 йил тўлади. Августда шуни нишонласак дегандим.

— Хажга бориш ниятингиз ҳам борми?

— Насиб этса ҳайит кунларида бормоқчиман. Ат-Термизийнинг 1200 йиллиги нишонланаётган кунларда бизга 500 киши меҳмон бўлиб келди. Уларни боғда кутдик. Шунда Маккадан келган имом боғимизни кўриб «Жаннат шу ерда экан», деди. Чунки улар 5 туп дарахт кўкартирган инсонни жаннати дер эканлар. Бошим кўкка етди. Яна бир гап, ўнга яқин кишини хажга юборишга ёрдам бердик.

Мана, қўлдан келганча истиқлол учун жон куйдириб, ҳалол ишлаб келаётган инсон ҳақида ҳикоя қилдик. Ҳақиқатан ҳам оқиб турган сой қуримасин, деймиз. Сув бор экан, ҳаёт бор, кўкариш, яашаш бор. Сиддиқжон ота кабилалар бор. қаддимиз тоғ, номимиз улуғ. Оллоҳдан у кишига яна узоқ йил умр, ишларига ривож тилаймиз.

(“Истиқлол нури”,
10 июль 1996 йил)

P.S. Отамнинг дўйстлари ҳақидаги бу очерклар ёзилганига ҳам 15—20 йил бўлиб қолди. Машҳур академик Маҳмуд Мирзаев, камтарин, ҳалол инсон Фиёсидин Умаров, Ҳалқ таълими аълочиси Миракбар Мирпўлатов, садоқат тимсоли Мукаррам оналарнинг эзгу ишлари ҳозирги авлодга ибрат мактаби бўлиб хизмат қила олишини, қолаверса, яхшилар ёди ҳеч қаҷон унунтилмаслигини инобатта олиб, ушбу очеркларни китобга киритдик. Уларнинг охиратлари обод, руҳлари шод бўлишини Аллоҳдан сўраймиз.

Отам келинлари, Халқ таълими аълочиси — Зуҳраой ва Наргизахон Жалиловаларни ўз қишлоғаридек кўрар, уларга меҳрлари оламжашон эди. Ушбу мақола Зуҳра келинойимнинг 50 ёшга тўлган кунларида ёзилган.

“ҚАЛБИМДА ТИКЛАГАН ЯШИЛ ТУҒИМСИЗ”

Мавлоно Румий ҳазратлари шундай ёзадилар:

Ҳеч ҳарис кўз косаси тўлган эмас,
То садаф қонеъ эмас, пурнур эмас.

Бу байтнинг мазмуни шуки, қаноатсиз кимсаларнинг наэзари ҳеч қачон тўймайди, садаф ёмғир қатраларга тўлгандан сўнггина унинг ичи марваридга тўлади. Мен муаллим қалбини садафга, ёмғир қатраларини илм, эзгулик, инсоний фазилатларга, марваридларни эса унинг шогирдларига қиёс этгим келди. Ахир, муаллим ўқиса, изланса, қалбини чулғаган илм шуъласини ўқувчиларга етказа олса, борини юқтириса оқил шогирд тарбияланади.

Тошкент туманидаги 9-мактаб директори Зуҳра Жалилова 33 йилдан бери устозлик касбини улуғлаб, юзлаб шогирдлар етиштириди. 1969 йилда 17-мактаб (ҳозирги С.Раҳимов туманидаги 16-мактаб)ни олтин медаль билан битириб, ҳужжатларини тиббиёт институтига топшириди. Аммо омад кулиб боқмади. Ундаги ташкилотчилик қобилияти ва болаларга меҳрни сезган синф раҳбари, мактаб директори Ҳакима Юсупова ўнг қўли – синфком, етакчи бўлган ўқувчисини дарҳол мактабга ишга чақирди. 17 ёшли қизга ишонч билдириб, тикувчилик сирларини ўргатувчи меҳнат дарсларини топшириди. Ўзидан бир-икки ёш кичик қизларга Зуҳра дарс ўта бошлади, ҳам етакчи вазифасида мактабдаги тадбирларни янада жонлантириб юборди. Кейинги йили устозининг маслаҳати билан Низомий номли педагогика институтининг она тили ва адабиёти факультетига ўқишига кириб, ишдан ажralмаган ҳолда ўқитувчилик фаолиятини ҳам давом эттира бошлади.

– Мактабдаги устозларим Миракбар Мирпўлатов, Ҳаким Юсуповалардан фидоийликни, талабчанликни, ўз ўрнида меҳр кўрсатиб, ўз ўрнида қаттиққўл бўлишни ўргандим. Улар ҳеч қачон иш вақтини белгиламасдилар. Тонг саҳардан шомгача барча ишни унутиб, фақат мактаб ташвиши билан елиб-югурадилар.

Зуҳра опа ҳам устозлари каби мактаб ишини етакчи ўрининг қўйди. Мактаб “Чекмасдан ёшлик гаштини сур” дастурини амалга ошириш бўйича тажриба-синов майдончасига айлантирилди. “Миллий истиқбол ғояси ва маънавият асослари” фани бўйича республика семинари, дарслик муаллифлари билан учрашувларнинг ҳам шу мактабда ўтказилиши бежиз эмас. Мактабдаги 1800 га яқин ўқувчига 18 та олий тоифали, 38 та 1 тоифали ўқитувчи ва мутахассисларнинг жалб қилиниши – 103 ўқитувчи дардини тинглаб билиш, уларга услубий ёрдам кўрсатиш кичик иш эмас.

Зуҳра опа нафақат ўқув-тарбияга, балки спорт билан шуғулланиш, тўғарак ишларига ҳам алоҳида зътибор қаратади. 5-синф ўқувчиси Шаҳноза Мирсоатова – Осиё чемпиони, 6-синф ўқувчиси Маҳфуз Абдуллаева эса миллий кураш бўйича республика ғолиби бўлишида унинг ҳиссаси бор, албатта. “Ўлқашунослик” тўғараги аъзоси, 10-синф ўқувчи Аброр Алимовнинг республикада “Ёш экологлар” танлови ғолиби бўлганилиги ҳам барчани қувонтириди.

– Туманимиздаги 9-мактаб “Энг намунали мактаб” номини олган. Мактаб раҳбари Зуҳра опа менинг ҳам устозим, – дейди ТХТБ мудири Эркин Йўлдошев. – Шу кунларда мактабда 13 та қўшимча синф хоналари қуриб битказилиш арафасида турибди. Синфхоналар 1 октябрда фойдаланишга топширилади. Чунончи, ўтган йили вилоятда бу мактаб қўлга киритган ютуқлари учун 1-ўринни эгаллади ва пул мукофоти билан тақдирланди. Зуҳра опа – талабчан, серфайрат раҳбар. Талаб бўлмаган жойда билим ҳам, иш ҳам, таълим-тарбия ҳам сусайишини унутмаган устоз ўз ишига вижданан ёндошиб сидқидилдан ишлаб келмоқда. Раҳбарлик билан бирга ўқитувчиларга ўрнак бўлиб, ўзи ҳам “Йил ўқитувчиси” кўрик-танловида қатнашиб, вилоятда 2-

ўринни олди. Икки йилда бир марта ўтадиган ЎТДАнинг фаол иштирокчиси бўлиб, ҳар йили республика миқёсида-ги анжуманларда сермазмун маърузалари билан қатнашиб келмоқда.

Шундай илиқ сўзларни эшигчач, мактаб томон йўл олдим. Ўқувчиларнинг кийими эътиборимни тортди. Ҳаммаси формада. Ҳар йили таътил вақтида меҳнат ўқитувчилари ўқувчиларга форма тикишар экан. Бундан ота-оналар ҳам, ўқитувчилар ҳам мамнун. Икки қаватли мактаб биносининг асосий қисми янги қурилган. Ошхона, спорт залларини кўриб кўзингиз қувнайди.

– Охунбобоев ширкат хўжалиги раиси Искандар Фозилов ва ота-оналар ҳиммати туфайли шундай бинога эга бўлдик, – дейди Зуҳра опа. – Тенис зали ишга туширилди. Ўқувчиларимиз нафақат ўқищда, балки спортда, турли танловларда ғолиб бўлишининг бош сабаби ҳам бизга эътиборнинг қаратилганида деб биламан.

Обрў мисқоллаб йиғилади. Буни тўғри англаб олган Халқ маорифи аълочиси, ташкилот раҳбари З.Жалилова ҳамон севимли мактаби томон ошиқади. Ўқувчилари эса уни

“Қалбимда тиклаган яшил түғимсиз,
Шоҳда бешик элтган она буғимсиз”

дек алқайдилар.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
(“Маърифат” газетаси,
8 сентябрь 2002 йил)

III БҮЛІМ

ХОТИРА ҲАМИША ҮЙФОҚ

НОМИНГИЗ ТИЛЛАРДАН ТУШМАЙДИ МУДОМ

Фасли навбаҳор ойининг ўрталари. Табиат бор гўзалиги, тароватини сулув келинчак Баҳоройга сеп қилиб берган. Аммо Баҳорой нимадандир ранжигану, баъзан кўз ёши қилиб туради - ёмғир ёғади. Мен эса ёмғирга тикилиб ўйлайвераман, ўйлайвераман, хотирамда отам сиймоларини янада аниқ тиклашга интиламан. Ана, хотирамнинг оппоқ булутлари оралаб қош-кўзлари қоп-қора, бараваста, кўзларидан нур порлаб, чеҳраларида табассум билан (афсус нуроний деёлмайман) ёшлари 60 га етган бўлса-да, алпқомат менинг отажоним сиймоси гавдаланади. Хотирамда тиклаганим — отажоним бағрига отилдим, қувончу шодликларимни энтикиб сўзлагим, уларнинг «раҳмат қизим» каби руҳлантирувчи, жонбахш дуюю олқишиларини тинглагим келади. Совуқ бир ўй дилимни яралайди. Ахир отажоним бу дунёни тарқ этганларига 18 йил бўлди-ку! Ҳаёт бўлганларида 7 фарзанд (марҳум Фозилхон акамни асло қаторимиздан айро қилиб 6 фарзандмиз дея олмайман), 21 набира, 9 эвара, ҳисобсиз дўсту ёрлари даврасида 75 баҳорларини нишонлаган, мен ҳам кўз ёшларим билан хотира эмас, қасида битган бўлмасмидим?!

Отажоним, бу дунёга бир келиб минг бир савоб ишни қилиб эл дуосини олиб кетган доно раҳбарим. Бугун фарзандларингиз «Зоирхон аканинг ўғли ёки қизи» деб эъзозлаб, сизни қўмсаб яшаяптилар. Сиз қилган эзгу ишлар бугун бизнинг кўксимизни тоғдек кўтариб, мағрур юришимизга йўл очяпти.

Отажоним, сўзлари пурмаъно, қарашлари сермаъно, сухбатлари дилга малҳам, бағри фарзандларига жаннат эшикларидек очиқ падари бузрукворим! Сиз жисман орамизда

йўқсиз, аммо руҳингиз доим бизга мададкор. Эл-юрт ҳамон сизни тилдан қўймайди.

Автобусда кетаяпман. Ёнимда ўтирган онахон чипта со-таётган назоратчига имтиёзли юриш учун берилган ҳужжатини кўрсатди. Назоратчи «яхши» деб ўтиб кетди. Шундай онахон менга ва ёнимдаги аёлга гапира кетдилар:

— Уруш вақтида эртадан-кечгача далада ишладим. Умрим деҳқончиликда ўтди. Ҳужжат қилиб қўймаган эканман, менга медаль беришмади. «Қорнимга эмас, қадримга йифлайман» деганлари рост экан. Бир кун ҳам ишламаган айрим кишилар орден ҳам олди. Барака топсин, раҳматли Зоирхон уруш даврида ишлаганларимни эслаб, гувоҳ топиб, қоғозларимни тўғрилаб берди. Мана, бепул юрибман, катта шифохоналарда даволанаяпман.

Чидаб туролмадим, «Холажон, мен Зоирхон аканинг қизлариман», дедим. Бундан ҳайрат ва ҳаяжонга тушиб қолган, онахон: «Вой, Зоирхоннинг қизи бўлсанг, кел бағримга бо-сай, ундан инсон йўқ эди» деб маҳкам қучоқлаб, пешонамдан ўпди. То уйга келгунча Сизни эслаб, дуо килиб келди. Қанчалик суюнган бўлсам, уйга келиб шундай йиғладим: «Отажоним, 61 ёш нима эди? Шунча меҳнат қилиб, чорак асрдан ортиқ жамоа хўжалигига раҳбар бўлиб, боғу роғлар, иссиқхоналар яратиб, мактаб, ўйингоҳ, обод ва равон кўчалар қурдириб, бу кўчаларни тўлдириб юролмадингиз?».

Ҳар йили шу ўйингоҳда ўтказиладиган мусобақаларда, байрамларда қувониб ўтиrolмадингиз? Аллоҳим сизга қисқа, лекин сермазмун умр, фарзандлар ато этдию улар камолини кўриш насиб этмади. Аммо Аллоҳнинг марҳаматини қарангки, сиз эъзозлаган халқ сизни ҳамон эъзозлайди, мактаб, кўча, маҳаллага номингизни муҳрлаб қўйди.

Номингиз гиллардан тушмайди мудом.
Элу юрт олқишлиб эслайди ҳамон.
Сиз юрган йўллардан чечаклар унди,
Эзгу ишларингиз баҳосин олди.

(“Истиқлол нури”,
13 апрель 2002 йил)

АРМОНИМ МАНИМ

Яна оппоқ тонг отди. Кечагина ғунча бўлиб турган атиргул бугун очила бошлабди. Сўридаги ток барглари энди қизара бошлаган чиллакига соя солиб турибди. Аста бартни суриб, қуёш нуридан узум баҳраманд бўлсин, дея, ҳосилини кунга қаратиб қўйман. Оппоқ орзулар оғушида ишга шошаман. Кўча тўла одамлар. Аммо улар орасида соч-соқоли оппоқ, юзидан нур ёғилиб турган, саломимга «бара-калла» деб алик оловчи нуроний, фариштали отахонлар зътиборимни тортади. Улар орасидан Сизни қидира бошлайман, отажон! Нега булар сафида юриш сизга насиб этмади, отажон!

Уйимизда тўй, хурсандчилик. Аммо бари армон билан эгизак. Сиз суйган набираларингиз, исми жисмига монанд Дилдору Шаҳноз, Шоирахонлар оппоқ либосда, сурнайнинг дилга ларза ва ҳаяжон соловчи нолишию «ёр-ёри» билан ўзга уйга келин бўлиб отланмоқда. Ким фотиҳа бераркин? Яна қавму қариндошлар орасидан Сизни — дуогўйимни излайман. Қайдасиз, отажон?

Арафа, ҳайит кунлари. Барча падари бузруквори, волидан меҳрибони сари ошиқмоқда. Уларни муборак айёмлари билан қутлашга шошмоқда. Мен-чи, отажон, нега уйга эмас, қабристонга йўл оламан. Дардларимни, шодлигу қувончларимни Сизга тўкиб солгим келади. Аммо Сизни излаб топа олмайман. Сиз қайдасиз, отажон? Нега йўқсиз, отажон? Яратганга шукр, меҳрибон онажоним, ака-укаю сингилларим бор. Уларнинг сўзи, хатти-ҳаракати Сизни эслатади. Онам бизга ҳамон парвоналар. Сиз қизларим дея суйган, чаққон, ширинсўз келинларингиз кўнглимизни олиш билан овора. «Сингилларим хурсанд бўлиб кетсин» дея жигарларимиз жони ҳалак. Равшан акамни кўрганимда, юрагим жиз этиб кетади. Қуйиб қўйгандек Сизга ўхшайдилар. «Ада» деб юборай дейман. Аммо энди Сиз йўқсиз. Отажон, барибир сизнинг ўрнингиз, файзингиз ўзгача эди, отажон!

Яна юрагимда армон бўзламоқда... Сизни «дада», «бува» деб чақиришга улгурмадик. Сиз биз учун ҳали соч-соқоли

оқармаган, алифдек тик қомати букилмаган «бирор ерим оғрияпти» деб нолимаган, қувончу омадимиздан кўзлари порлаб, биздан кўп қувонадиган топилмас инсон — Ада эдингиз. Отажон дейиш эса қофозда насиб этди.

Отажон, сиз бутун умрингизни эл хизматига бағишли дингиз. 45 йил жамоа хўжалигида ишлаб, 30 йилга яқин раҳбарлик лавозимида—жамоа хўжалиги раиси бўлиб ишладингиз. Тонг саҳарда кетиб, тун қоронғусида келар эдингиз. Аммо бирор марта «чарчадим» деганингизни эшилмадик. Ҳар куни бизнинг болаларча содда, оддий гапларимизни тинглаб, ўқишиларимизни суриштирас эдингиз. Ҳафтада бир кунни белгилаб, ўз таъбирингиз билан айтганда, «тарбиявий соат» ўтказар эдингиз. Кундаликларимизни текшириб, фахр билан катта имзо чекиб берардингиз. Сўнг ҳар хил воқеаларни айтиб бериб, бизни одобга, камтарликка чақирап эдингиз. Бугун олтинга ҳам топилмас бу насиҳатларингизни қўмсайман. Қайдасиз, отажон?! Нега йўқсиз, отажон!?

Ҳозир ҳам кечагидек ёдимда. Май ойи ҳовлимизда рангбаранг гуллар чамандек очилган, ҳатто зинапояларда ҳам маҳсус гул тувакларда кўзни яшнатувчи гуллар барқ уриб яшнаб ётибди. Ҳонадонимиздаги меҳмонларнинг саноги йўқ. Сизнинг 50 ёшингизни иншонлаяпмиз. Яқин дўстингиз, доцент Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев қутловларини ибратли ривоят билан бошладилар:

— Қадимда бир ота бўлиб, 70—80 ёшда ҳам унинг бели букилмаган, қадди эгилмаган экан. Сабабини суриштиришса, фарзандларим юзимни ерга қаратмади, одобли бўлди, шунга қадим фоз, деб жавоб берибди. Қаранг, Зоирхон aka ҳам мағрур турибдилар. Негаки, уларнинг ҳам етти фарзандлари одобда баркамол.

Яна кўп қутловлар бўлди. Юбилей тугагач, Сиз — отажон бизга шундай деганингиз ҳамон ёдимда: «Учқизим — жону жаҳоним, тўрт ўғлим — қайрилмас қанотларим, ҳаммангизга раҳмат. Шу вақтгача ҳеч бирингизнинг орқанғиздан ёмон гап эшилмадим, бундан кейин ҳам Ҳасанхўжа домланинг айтганларини эсдан чиқар-

манглар, ахлоқли, камтар бўлинглар, қадимни ғоз тутиб юрай».

Отажон, мен хаёлан ҳар куни Сиз билан сўзлашаман, руҳингиздан мадад оламан. Қулоғим остида пурҳикмат сўзла-рингиз садоси эшитилади. Тушларимда йўлдош бўласиз. Сизнинг жисмингизгина орамизда йўқ, лек Ўзингиз ҳамиша биргасиз. Сиз ҳақингиздаги хотиралар сизни бир кун бўлса-да, эслатмай қўймайди. «Бундайлар мингдан бир чиқса чиқади, бўлмаса йўқ», деганларида юрагимни армон ўртаб юборади. Ахир улар Сизнинг номингизни айтишаяпти. «Зоирхон ота» дейишолмайди. Сиз шунчалик эрта кетдингизми, Отажон? Ҳа, 61 ёш Сиздек инсонга нима ёш эди, Отажон? Ким билан суҳбатлашмай, Сизни тилга олади. Эҳ, Отажон, минглаб одамнинг меҳрини қозониш, тилидан тушмаслик ҳаяжон ва ҳурмат билан Сизни эслашлик кўнглимизни төгдек кўтаради. «Қандоқ отам бор эди», дейман. Аммо яна армон юрагимни зирқиратади: «Қайдасиз, отажон? Нега эрта кетдингиз, қиблагоҳ?!»

Ҳа, айтганча, куни кеча маҳалладошимиз, шоир Рўзи-муҳаммад Хоразмий билан суҳбатлашдик. Улар ҳар сафар қабристонга киргандарида, албатта, Сизнинг қабрингиз бошига ҳам бориб, тиловат қиласар эканлар. «Зоирхон ака топилмас инсон эди. Унинг боши электроника эди: ҳар қандай жумбоқни ҳеч кимни ранжитмай тезда ҳал қиласарди. Юрагида ўт-олов бор эди, ўзи ёниб яшади ва ёниб ишлади, шунинг учун ҳам хотирамизда ўтдек ёниб ўчмай келаяпти», — деб Сиз ҳақингизда ўзлари ҳам ёниб гапириб, ушбу тўртликни ўқидилар:

Икки қўшчига деб зарур битта бош.
Колхозга бош эди эр қалбли оташ.
Оlam мужассам тож Зоирхон боши,
Шу ерда ётибди ёстиқсиз, ёнбош.

Юрагим зирқираб кетди. Дил тубида армон яна бўзлади:
Эй эр қалбли оташ Отажоним, ҳамон Сизни қўмсайман,
Сиз қайдасиз, Отажон? Нега йўқсиз, Отажон?

Сиз яна кўз ўнгимда жонланаяпсиз, ҳазилкаш, қувноқ Отажоним!

Косада ёғли қатиқ турибди. Олиб ичсам, ширин, шакар кўшилган.

— Эй ширин бўлиб кетибди, ичмайман, — десам, кулиб дедингиз.

— Шакарини ажратиб ташлаб ича қол!

— Вой, қатиқдан шакарни ажратиб бўларканми?

— Йўқ, бўлмайди, шуни унутмаки, ҳаётда ҳам шундай, ширин ва нордон кунлар аралаш келади, шунинг учун аччиқ кунларда ширин кунларни эслаб, умидсизликка тушмай яшаш керак.

Қатиқни қандай ичиб юборганимни билмай қоламан. Эҳ, доно Отажоним, сўзларингиз хумор қиласди, аммо энди Сизни топа олмайман. Изларингизга, сўзларингизга зор бўлиб яшайвераман. Юрагимда эса армон бўзлайверади, бўзлайверади: Сиз қайдасиз, Отажон?!

Яна эслаяпман, Отажон. Биз ҳеч қачон чеҳрангизда норозилик, кўзингизда фазаб кўрмаганмиз. «Истиқлол нури»-нинг жамотчи муҳбири Турғун ака Жўраев ҳам айтадилар: «Раислар ҳузурига киришга ийманардик, лекин Зоирхон ака бошқача эдилар. Бир куни билмасдан эшикни очиб кираман, десам, йигилиш бўлаётган экан, хижолат бўлиб эшикни ёпаётсан, дарҳол ёнимга келдилар. «Сиз дам олиб ўтира туринг, ҳозир 10 минутдан кейин мажлисни тугатаман, бафуржа гаплашамиз», деб кириб кетдилар. Ана маданият ва одамга иззат-ҳурмат. Зоирхон ака билан суҳбатлашар эканман, уларнинг донгдор раис, ишбилармон раҳбар эканликлари ёдимдан чиқиб, ўз туғишганларим билан дилдан саимий суҳбатлашаётгандек бўлардим».

Эҳ, суҳбатлари дилкаш, бағри кенг, сабри уммон отажоним, қани энди у суҳбатлар? Биз бирор нарсадан норизо бўлсак, дарҳол кўнглимизни кўтарар эдингиз: «Яхшилик қиласвер, бир кун қайтади, кек сақлама», «Ёмонликни ҳеч кимга раво кўрма, шу оиласга муносиб фарзанд бўл». Мана, сизнинг насиҳатларингиз билан ҳамма фарзандлар оиласда баҳтимизни, ҳаётда ўз ўрнимизни топдик. Фақат бу кунлар-

ни Сиз күрмаяпсиз. Яна армон бўзлайди: Сиз қайдасиз, отажон, нега йўқсиз, Отажон?!

Отажон, сиз ниҳоятда дилкаш, билимдон инсон эдингиз. Олимлар даврасида ҳам, оддий инсонлар даврасида ҳам уларга мос гапларни топиб гапирадингиз. Барча янгиликлардан хабардор эдингиз. Эҳ, зукко отажоним! Сиз ҳеч ким ўйламаган ишларни топар эдингиз-а?

70-йиллар эди. У вақтда видео, компьютер, қўл телефонлари йўқ эди. Сиз ҳар йили дам олишга кетиш олдидан магнитофонга овозимизни ёзиб олардингиз. Баъзан билдириб, баъзан билдиримай «Софинганимизда эшитамиш, ўртоқларимга кассетани қўйиб бераман, қани шеърларингними, ашуланими яхшилаб айтиб бер», — дердингиз. Жиянларим ашула айтиб беришарди, укаларим эса уялиб «эй, эй» деб туришарди. Сиз эса, бари-барини ёзиб олардингиз. У ёқдан эса дўстларингиз билан бўлган суҳбатларни тасмага тушириб қайтардингиз ва «Мана, ҳар куни сизларни эслаб гаплашдик», деб кассетани қўйиб эшиттирас эдингиз. Ҳамон шу кассеталар бор, Отажон! Овозингиз бору, ўзингиз йўқ, Отажон!

Сиз юборган табрик хатларини кўз қорачигидек сақлаб қўйганман. Дастигиниз чиройли, билдирган ниятларингиз ширин эди, Отажон! Доим бахт тилардингиз. Ниятларингиз ушалди. Фарзандлар бахтлимиз, тахтлимиз, аммо армон бўзлайди. Бахтимиз сиз билан бут эди, отажон! Сиз қайдасиз, отажон?! Нега орамизда йўқсиз, отажон!? Ана, ҳаётингизни сўнгги кунлари кечаётган, аммо биз ўйламаган айрилиқ кунлари арафаси. Сиз бетобсиз. Сизни кўргани келаётган одамлар оқими камаймайди. Ҳатто навбат кутиб туришади. Сиз ҳамма-ҳаммага бор кучингизни тўплаб фақат «Раҳмат» дейсиз. Ҳеч кимга, ҳатто шифокорларга ҳам шикоят қилмайсиз. Биз эмас. Сиз бизнинг кўнглимини кўтрасиз. Бирор марта умидсизликка тушмайсиз, аммо ғойибдан куч тўплаб, кунора қабристонга, бувимнинг қабрларига чиқиб келасиз. Атрофни тозалатасиз, Қуръон тиловат қиласиз, чамандек очилган гулларга термуласиз. Ўшанда бувим вафот этганиларига бир йил тўлаётган эди. Эҳ, бувим

сизни қандоқ ардоқлар эдилар? Ахир, ўн тўрт фарзанддан ёлғиз Сиз ва бир қизлари қолганди. Сиз-чи, «Ёлғизим онам», — деб тобут кўтарганингизда йигламаган одам қолмаганди. Ким ўйлабди ўшанда, бир йил ўтгач, худди шу куни «Отам» деб бўзлаб сўнгги йўлга кузатишимизни? Отажон, куз фаслини ёқтирмай қўйдим. Сарғайган барглар узилиб тушаётган бу фаслда бувим, Сиз, акажоним ҳаётининг сўнгти япроқлари ҳам узилди. Чорасизман, Яратган Аллоҳнинг ўзи Сизларни дунёга келтирди, ўзи марҳаматига олди. Аммо армон ҳамон бўзлайди: Меҳрингизга тўёлмадим-ку, отажон!

(“Истиқлол нури” 6 июнь 1995 йил)

ТОПИЛГАНИГА ҚУВОН

Қайнонам ошга гуруч тозалаётган эдилар. Бирдан мени ошхонадан чақириб, сўраб қолдилар:

- Болам, узугингиз қани?
- Қайси бирини айтаяпсиз?
- Йўқотиб қўйиб, топдим деган узугингиз-да.
- Уйда, нима эди?
- Қани олиб чиқинг-чи!

Мен уйга кириб йўқотиб «топган» узугимни олиб чиқарканман, «Ёлғон барибир фош бўларкан» дея юрагим орқага тортиб кетди.

Қайнонам узукни қўлларига олдилар ва гуруч ичидаги худди шундай иккинчи узукни кўрсатиб сўрадилар:

— Буниси кўмники? Гуруч тозалаётсан, ичидан чиқиб қолди. Қўлимда иккита бир хил узук. Уларга тикилар эканман, бундан бир неча ойча аввал рўй берган воқеа кўз олдимга келди. Ўшанда ишга кетаётгандим, қайнонам меҳрибонлик билан дедилар:

— Болам, мosh очилтириб қўйибман, гуруч солиб, иссиққина ичиб кетинг.

«Хўп» дедим-у, гуруч олиб чиқиб, қозонга солиб юбордим. Мошхўрда ичаётганимизда ойим «Боя қўлингизда узу-

тингиз бордек эди, тақиб олинг», дедилар. Дарҳақиқат, узук, зирак, занжиримнинг кулони бир хил янтарь тошидан ишланган бўлиб, бир-биридан ажратиб тақмас эдим. Боя ҳам масини тақиб олганим ёдимда, узукни ечмаганим ҳам аниқ, лекин узук қани?

Уйга кириб, ҳаммаёқни қарадим, йўқ. Ойим эса ўз ишлари билан банд бўлиб, узукни унугтан эдилар. Ишда ҳам кўнглим фаш бўлиб юрдим. Кечқурун онамни кўргани уйга бордик, улар шифохонадан келган эдилар, шунинг учун узугимни йўқолганини адамга айтдим.

— Ҳеч кимга билдирамагин. Узугинг тушиб қолгандир, балки топилар, бўлмаса ачинма. «Йўқолса қайғурма, топилса қувон», деган мақолни эшитганимисан? Зинҳор «йўқолди» дема.

— Ахир мен уларга айтмоқчи эмасдим, ўзлари билиб қолиб сўрадилар-ку.

— Чакки бўлибди, майли ҳалиям кеч эмас, уйда турган экан, дегин, — дедилар-да, синглимга атаб олинган худди шундай узукни олиб, қўлимга тақиб қўйдилар. Мен ҳеч нарса сездирмай тақиб юравердим.

Бугун эса бундан бир неча ой аввал гуруч олаётганимда идиш тагига сирғалиб тушиб қолиб, ойим топиб олган узук ва аслида синглимники бўлиб, мени кўнгилхираликдан қутқарган иккинчи узукка тикилиб, воқеани сўзлар эканман, адамнинг оқил иш тутганларидан шод эдим. Ойим ҳам «Қандоқ ақлли қудам бор, шундай одам етти иқлимда ҳам топилмайди, энди бу узукни обориб беринг» дедилар.

Ҳа, отам шундай доно инсон эдилар. Бизни ҳар бир сўзни ўйлаб айтишга чақирап эдилар. «Кўнгил — бир пиёла, синса бутлаб бўлмайди, чегаласанг, бундай пиёлани кўнгил тортмайди», - дердилар. Қайнона-қайнотам, турмуш ўртоғим ҳам отам номини доимо чуқур ҳурмат билан тилга оладилар.

Дарҳақиқат, тиф яраси битади, аммо тил яраси битмайди. Кўнгилсиз гапнинг кечиккани яхши, деб халқимиз бежиз айтмаган. Ўйламай айтилган бир оғиз сўз инсон ҳаётини заҳарлаши ҳеч гап эмас. Аксинча, «Етти ўлчаб бир кес»,

деган нақлга риоя қилиб яшаш эса, ҳаётилизни нурли ва мазмунли қилади. Бунга эса юқоридаги икки воқеа ҳам далил, ҳам сабоқdir.

Демак:

Тилингни авайла, омондир бошинг,
Сўзингни қисқа қил, узаяр ёшинг.

("Истиқлол нури".
13 шуъъ 1995 йил)

ОҚИЛ ШОГИРД — БОШДАГИ ТОЖ

Рўпарамда туроди сурат,
Сиздан қолган ажиб хогирот.
Сурат сўзлар, кўзимда ҳайрат,
Ёнимда қўлловчи руҳингиз сийрат.

Отажоним, суратингизга боқиб Сизга сўзламоқчи бўлганларим руҳингизни шод эттусидир. Қаранг, йиллар бир-бирини қувалаб, умр оқар дарёдек ўтаверар экан. Кечагина Сизга ҳавас қилиб, «Мен албатта ўрнингизни бо-саман, раис бўламан» деган болакай шогирдингиз Искандар бугун эзгу ишларингизни давом эттириб, эл-юрт олқишини оляпти. Куни кеча таваллудингизга 75 йил тўлиши муносабати билан маҳалла оқсоқоли Зайнiddин Нуриддинов, жамоа хўжалиги аъзолари оқил шогирдингиз бошчилигига сиз яратган сўлим боғда катта тадбир ўtkазиб, хаљқа ош бердилар. Эрта тонгдан номингизни қалб тўрида сақлаётган инсонлар сизни хотирлаш учун бу ажиб масканга йифилдилар. Туман ҳокимининг биринчи ўринbosари Нифматилла Муҳамедов, туман ижтимоий таъминот бўлими раҳбари Рустам Акбаров, дўстингиз, «Уч оғайни ботирлар»дан бири Сиддиқжон Маҳамаджоновларнинг Сиз ҳақингиздаги дил сўзлари барчани тўлқинлантириб юборди.

Туманда уч қаҳрамон бор, деган гап юради. ғиёсиддин Умаров, Сиддиқжон ва Зоирхон акалар. Зоирхон ака

деганда оқил ота, мұътабар инсон, деңқонларнинг сардори күз олдимизга келади. У инсон мактаб, маърифат, миллат учун хизмат қылған, бое яратған, ободонлаштириш, қурилиш ишларини амалға оширган. Биз ўтирган шу гүзәл бое, у киши қурдирған шифохона, мактаб, Ватан уруши қатнашчилари хотирасига тикланған майдон, «Шон-шуҳрат музейи», иссиқхоналар Зоирхон аканинг тафаккур, тасаввур меваси бўлиб юзага чиққан. Барча нарса, амал ҳам ўткинчи, фақат яхшилик қолади, у инсон учун абадий ҳайкал. Бу қишлоқнинг бахти бор экан. Искандарбек Зоирхон аканинг чироқларини чиройли ёқиб, эзгу ниятларини амалға ошириб, ишларини давом эттиряпти, деб Рустам ака сўзлаганиларида қай бир инсон дили ёришмади дейсиз? Ким ҳам «Мен ҳам яхшилик қиласай, эзгу ном қолдираій» деб ният қилмади дейсиз? Ёки ким ҳам суюкли шогирдингизни «Мартабаси бундан-да баланд бўлсин» деб дуо қилмади, дейсиз. Ҳа, Искандар ҳам сиздек эл дуосини олаётган, бутун эътиборини халқ турмуши, ободончилик учун қаратаётган ёш, аммо кўпчиликка бош бўлаётган оқил йигит. Халқимизда «Шогирдинг оқил бўлса, бошингдаги тож» деган доно нақл бор. Искандар — бошдаги тож, содиқ шогирд, салоҳиятли раҳбар бўлиб етишди. Отажоним, унинг бугунги камолини кўрсангиз, дўстларингиз садоқатини, эл меҳрини, номингиз ҳурмат-ла тилга олинишини ҳис этолсангиз нақадар миннатдор бўлардингиз. Биламан, руҳингиз ҳаммасини ҳис этади, сезади.

Сиз билан хаёлан суҳбатлашгач, туш кўрибман. Жаннат мисол сўлим боғда, баланд кўшкда Сиддиқжон ака, Рустам ака, Зайнiddин ака, бир томонда оппоқ таҳтда Искандар полақизғалдоқлар билан қопланған баланд адирда сиз билан бирга ишлаган қадрдонларингиз, бир томонда эса 40 ёшида бу дунёдан бевақт кетган марҳум Фозилхон акамиз турган эмишлар. Сиз оппоқ кийимда қаддингизни ғоз тутиб, тоғ чўйқисида туриб, барчага бошингизни зигиб «раҳмат» дебсизу, Фозилхон акам билан оппоқ булутлар орасига сингиб кетибсиз.

Бу тушни бежиз кўрмадим, шекилли. Сиз ўша куни биз билдиrolмаган ташаккурни айтиш лозимлигига ишора қилдингиз. Падари бузрукворим, тушимга кириб, огоҳ этганингиз, камчиликларимизни ўз вақтида етказа билганингиз учун Оллоҳга шукр! Оила аъзоларимиз миннатдорчилигини кеч бўлса-да билдирайлик: — Азизлар, отамизни хотирлаганингиз, номларини маҳалла, кўча, мактабга муҳрлаганингиз, садоқатингиз учун сизлардан қарздормиз.

Хушовоз хонанда Маҳмуджон Азимовнинг ўша куни куйлаган қўшиғи қулоғум остида жаранглайверади: «Яхшига қилсанг яхшилик, ҳам айтади, ҳам қайтади».

Яхшилар сафи кенгаяверсинг, яхшиларга доимо эл дуоси ёр бўлаверсинг. Ушбу қалб сўзларимизни айтишдан муддаомиз, аввало, барчага миннатдорчилик билдириш, қолаверса яхшилик, эл-юрт учун хизмат ҳеч қачон унutilмаслигини ёшларга жонли мисол орқали уқтириш, устозларни эъзозлаш шогирднинг бурчи эканлигини яна бир бор эслатиш, яхшилардан ибрат олишга чорлашдир.

(“Истиқлол нури”, 20 май 2002 йил)

IV БҮЛІМ

МЕХРИНГИЗ ҚҮМСАЙМАН, ОТАЖОН

Юрагимда симиirlар армон,
Отажоним күрмоққа зорман.
Орзуимга етишим түмөн,
Меҳрингиз қүмсайман, отажон.

Түёлмадим тинглаб сүзингиз,
Тополмадим излаб изингиз.
Меҳр тұла чақноқ күзингиз,
Меҳрингиз қүмсайман, отажон.

Рұпарамда туралди сурат,
Сиздан ёдгор ажиб хотирот.
Сурат сүзлар, күзимда ҳайрат,
Меҳрингиз қүмсайман, отажон.

Мағрурлик ёт, здингиз камтар,
Бизлар учун меҳрибон падар.
Соч оқариб, кетгүнга қадар,
Меҳрингиз қүмсайман, отажон!

ОТАМХОТИРАСИГА

Номингиз тиллардан тушмайди мудом,
Бугун қошингизда айтамиз салом.
Сиз юрган йўлларда чечаклар қолди,
Эзгу ишларингиз баҳосин олди.

Умр — оқар дарё, ширин бир рўё,
Ҳеч ким мангу қолмас, ўткинчи дунё.
Лек ибратли умрингиз биз учун сабоқ,
Йўлимиз ёритувчи машъалдир — маёқ.

Қолди Сиздан боқий ном, эзгу фазилат,
Сермаъно сўзингиз — ажойиб хислат.
Фарзандингиз учун — бу буюк мерос,
Элу юртга эса ўчмас хотирот.

Олқишилаб, шарафлаб азиз инсонлар,
Номингизга бериб янада сайқал.
«Сиз мангу яшайсиз дилимизда», деб,
Қўйдилар шон-шуҳрат уйига ҳайкал.

Ташаккур билдирай меҳнат аҳлига,
Дилдаги ҳурмат, садоқати чун.
Таъзим айлайин умрим борича,
Оташин меҳрию муҳаббати чун.

ҚҮМСАШ

Нуроний отахонлар
Давраларни түлдирап,
Жума намозга дея,
Масжид сари отланар.

Ёшу қари жам бўлиб,
Тўйлар томон йўл олар.
Сизни топмай отажон,
Кўзим термулиб толар.

Дўстларингиз тоқ бўлди,
Сиз жуфтидан айрилиб,
Кўз ёшим ёмғир бўлди,
Қанотларим қайрилиб.

Энди дўстлар даврасида,
Сиз абадий йўқмисиз?
Осмонга учиб, қайтмай
Қолган Ҳумо қушмисиз?

Орзуларга етганда,
Поймонангиз тўлдими?
Қизларингиз ғунчадек,
Айрилиқдан сўлдими?

Армонимсиз, оҳимсиз,
Дардимга ким ҳам етгай?
Кўзимдаги ноламсиз,
Ёшимни ким аритгай?

Кундуз бўлсам беором,
Тунлари парвонасиз.
Равшан этгач дилимни,
Йўлига равонасиз.

Озор етса қалбимга,
Тушимда ҳам сергаксиз.
Руҳим соғинчдан толса,
Суягувчи тиргаксиз.

Жисмингиз йўқ орада,
Руҳингиз мангу ҳамроҳ.
Майли, тушимта кириб,
Этингиз доим огоҳ.

Юрагим урар экан,
Унда сиз ҳам яшайсиз.
Токи тирик экайман,
Хаёлимда боқийсиз.

Қалбга ўчмас чўғ солиб,
Ловуллатган гулхансиз.
Номингиз яшар мангу,
Эл ичида достонсиз.

ОНАЖОНИМ

Жонингизга дармон бўлай, десам дармоним – онам,
Қалбингизни ёритолмам, моҳитабоним – онам.

Тахт берурман, баҳт беролмам дея баҳтим тилагувчи,
Орзуларим қанотисиз, комил, камроним – онам.

Кимдир кўнглим султон дер, кимдир ўзим султон дер,
Маним чун гулфишоним, беку султоним – онам.

Тундан сўнг кун келтандек, хуш дамлар келар дея,
Ойдек ёруғ кунларга етказган сарбоним – онам.

Ажинсиз пешонангиз, ойдек гул чеҳрангизга,
Тақдир тортмиш чизиқлар, оҳ, дилистоним – онам.

Қушларга осмон азиз, куйлар қўшиғин фалакда,
Мен чун азиз Ер, унда Сиз, ширинзабоним – онам.

Мадҳингиз битмиш Маҳмуда, онажоним – Каъбам деб,
Умрингиз бўлсин жовидон, жону жаҳоним – онам.

САБРДАНДИР ТУПРОФИНГ СЕНИНГ

Юрагимда инграб дер соғинч:
“Ҳижрон тоши ташлади эзиб,
Ҳамон йўлдош армон ва ўкинч,
Сабр қилиб кетдим-ку тўзиб!”

Соғинч, сенга не ҳам деяйин,
Сабрдандинир сенинг тупроғинг.
Майли, сени ўзим суюйин,
Ёш кўрмасин асло қароғинг.

Соғинч, майли, юрагимда қол,
Дардим ила бўла қол ҳамдан.
Отажоним қўмсаб мен, беҳол –
Бўлсан, таскин беролгин мудом.

Сен борсанки, хотирам тиниқ,
Ёд этурман бузрукворимни.
Хонадоним руҳи-ла ёниқ,
Тўкиб солдим дилда боримни.

Юрагимда инграмас соғинч,
Армон ила дардлашар ҳамон.
Улар қалбга беради овунч,
Юракка-чи, туганмас дармон.

АЙЛНАЙ

*(Ушбу газалимни мұхтарам онам Маърифат Султон
қызларига бағи әтгум)*

Хар кунимни ёритгувчи қүёшимсиз, айланай,
Савоб йўлга бошлагувчи сарбонимсиз, айланай.

«Вафосизда ҳаёй йўқдур» деб айтурсиз, онажон.
Номусимни сақлагувчи посбонимсиз, айланай.

Юрагимга дарду алам парда тортса булатдай,
Ёмғирини тарқатгувчи осмонимсиз, айланай.

Ҳаётимга шубҳа-гумон учиб келса ҳазондай,
Балолардан асрагувчи қўргонимсиз, айланай.

Богингизда бир ниҳолман, орзум: бўлай чинордай,
Парваришлаб яшнатгувчи боғбонимсиз, айланай.

Онажоним, пок вужудлар сиздан олсин андоза,
Эътиқодга ундағувчи жаҳонимсиз, айланай.

Дил сўзини, сўнг ўзини фидо қиласар Маҳмуда,
Пок иймонга чорлагувчи муршидимсиз, айланай.

ЖАЛИЛОВЛАР СУЛОЛАСИ КЕНГАЙМОҚДА

ОИЛА АЪЗОЛАРИМИЗ ҲАҚИДА

Онажоним – Каъбам менинг

“Жаннат оналарнинг оёғи остидадур”. Ушбу ҳадисни биз б фарзанд ҳеч он унутмаймиз. Онажоним отам билан 40 йил аҳил яшаши. Бир-бирларига қаттиқ гапирганларини ҳеч эшитмаганимиз. Фарзанд тарбиясида ҳам фикрлари бир жойдан чиқарди. Онам уруш туфайли мактабни тугатиб ўқишларини институтда давом эттира олмаганлар. Лекин оқила, ўқиши қадрлайдиган онам ҳозир ҳам кўп ўқийдилар. Ҳар бир фарзандга тегишли ҳадисми, мақолми, тагига чизиб қўядилар ва уйга борганимизда се-кин чақириб ўқиб берадилар. Ҳар ҳафта албатта “Бекажон”, “Оила ва жамият” газеталарини Равшан акам олиб келиб, онажонимга берадилар. Дам олиш кунлари ота ҳовлимиз – онажоним ҳузурларига ошиқамиз. Саксон ёшга яқинлашиб қолган онажонимиз бир зум тинмайдилар – хамир ёйиб, ўз қўллари билан сомсами, норинми тайёрлашга киришиб кетадилар. Набира келинлари Муяссархон доимо “бувижон” деб ёрдамга шай. Ҳовлимизда ранг-барант гуллар чамандек очилиб ётади, мевали дарактлар ҳосили ерга теккудек, узумнинг турли навлари бор. Онажонимиз отамиз яратиб кетган боғни яшнатяптилар, айниқса, укам Шавкатхонда боғ ишларига ҳавас ўзгача. У жиянларига ҳам боғ ишларини, боғдорчиликни эринмай ўргатади. Куз фаслида ҳар биримизга “Сизнинг ҳаққингиз бу” деб чепак-чепак ҳусайнидан узиб беради. Қўли очиқ, тўғрисўз кенжা бу укамизни ҳаммамиз ҳурмат қиласиз, кўнглига қараймиз. Фарзандлари Носирхон ва Дилбар камолини кўрсин.

Укам Авазхон ҳам ота касбини давом эттироқда. Исиқхонада етиштирилаётгай сабзавот маҳсулотлари билан халқимиз дастурхонини тўлдирмоқда. У ерни, боғни севади. Умр йўлдоши Наргизахон – нозик дидли, шириңсўз. Халқ таълими аълочиси бўлган бу келинимиз ўзининг камсукумлиги, пазандаю покизалиги билан кўнгли-миздан жой олган. Ўғиллари Азизхон – Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасида ишлайди, қизлари Барнохон – Низомий номидаги педагогика университети III курс талабаси, келиnlари – Мухлисахон ҳам талаба, бўлғуси доришунос. Неварапари – Улугбек, Эъзоза, Хондамирлар тўртинчи авлод вакиллари, яъни Зоирхон – Авазхон – Азизхон – Хондамир. Ажаб эмас, Хондамир катта бўлиб фарзандларига бу китобни етказса, улар етти авлодини билиб олади. Дарвоҷе, ушбу китобга ҳам укам Авазхон ҳомийлик қилди.

Равшанхон акам отамизга жуда ўхшайдилар. Улар ҳам келинойим Зуҳра Жалилова – Тошкент туманидаги 9-мактаб директори, Халқ таълими аълочиси, оқила, ўн ўйлаб бир гапирадиган, оғир, вазмин, мулоҳазали аёл билан 2 ўғил, 2 қизни рисоладагидек тарбиялашди. Катта қизлари Шоирахон, куёвлари Ҳасанжон, неваралари Беҳзод ва Саидалар, кичик қизлари Назокат ва куёвлари Бобуржон, неваралари Дилбар ва Акбарлар ойи, дадаларига доим парвона. Ўғиллари Журъат, келиnlари Муяссархон, кичик ўғиллари Жамшид – акамнинг ишонган тоғлари.

Равшан акам ота ҳовлида онам ва укам Шавкатхон билан яшайдилар. Ҳонадон файзи, уй ободлиги, дастурхон тўкинлиги, меҳмонларнинг қуттуғ бу маскандан узилмаслиги – Равшан акам, келинойим, укам онажоним туфайли-дир.

Ҳаммамиз катта ўғил – Фозилхон акамни жуда ҳурмат қиласардик, улардан бироз ҳайиқиб ҳам турардик. Умрлари қисқа экан, 41 ёшда оламдан ўтдилар. Маҳмудаҳон келинойимиз 3 ўғил – Дишод, Даврон, Жавлон, 2 қиз – Шаҳноза, Дилдорани тарбиялаб оёққа турғаздилар. Ҳозир икки келин, икки куёв, саккиз невара кўриб, кенжা ўғилни уй-

лантириш тараддудида юрибдилар. Доимо ўғил, набира-
ларини олиб онажоним ҳузурларига келиб турадилар. Аф-
сус, жиянимиз Дилдорахоннинг ҳам умри қисқа экан, икки
фарзандли бўлганда 24 ёнда вафот этди. Келинойим бу оғир
синовни ҳам бардош билан енгдилар. Неварапари – Дони-
ёр, Жаҳонгир, Нозимахон, Зоирхонлар Чуқурсойдаги ав-
валги ҳовлимизда келинойим билан яшайдилар.

Айтганча, қувноқ, ҳазилкаш, айни вақтда бир сўзли
“Ўғлимга ё адамнинг, ё додамнинг исмларини қўяман” деб
ният қилган Даврон ўғлига отамизнинг номларини қўйди.
Тўрт авлод вакиллари – Зоирхон – Фозилхон – Давронхон –
яна Зоирхон.

Авломимиз давомчилари соғ-омон камолга етсинлар.

Қизлар, қизлар, жон қизлар

Отажоним биз уч қизни – камина, Ферузахон, Дилфуз-
хонни еру кўкка ишонмасдилар. Ўқишимиз учун ҳамма ша-
роитни яратиб бергандилар. Қаерга бормоқчи бўлсан ҳам
“Оқ йўл” дердилар. Онам эса “Москвага борамиз, деяпти-
ку” десалар ҳам “Қизларимга ишонаман, юзимни ерга қара-
тишмайди, юрт кўрсин” дердилар.

Мен ТошДУ (ЎзМУ)нинг филология факультетини ту-
гатиб, илмий иш билан шуғулланмоқчи бўлдим. Соғлиғим
яхши бўлмай қолгани учун адам “Аввал соғлиқ, оила ке-
рак, қолгани секин бўлаверади”, – дедилар. Адажоним мас-
лаҳатлари билан мактабда ишляяпман. Халқ таълими аъло-
чиси бўлдим, “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдир-
ландим. 24 йилдирки, Юнусобод туманидаги 274-мактабда
она тили ва адабиёти фанидан дарс бераман. Айни вақтда
севимли машғулотим – журналистикани ёнма-ён олиб бо-
раман. “Маърифат” газетасида мухбир бўлиб ҳам ишляяп-
ман. Турмуш ўртоғим – Баҳодир Валиев доим мени қўллаб-
қувватлайдилар, маслаҳатларини аямайдилар. Баҳодир ака
Тошкент туризм қасб-хунар коллежида маънавий-маъри-
фий ишлар бўйича директорнинг биринчи ўринbosари
бўлиб ишлайдилар. Қизимиз – Гулюзхон Орифжо-

нова ЎзМУ филология факультетининг магистратурасини битирди, айни кунда “Тонг юлдузи” газетасида бўлим мудири, куёвимиз – бош иқтисодчи Санжарбек билан фарзандлари Азаматбек ва Аслзодани тарбиялаб, тинч-тотув яшамоқдалар. Ўғлимиш Бахтиёржон яқинда Тошкент давлат маданият институтини тугатди.

Ўртанча қиз Ферузахон барчага меҳрибон, жонкуяр. Умр йўлдоши, кимё фанлари номзоди Улугбек Мансуров, фарзандлари Беҳзод ва Азизахонлар билан намунали оила бўлиб ҳаёт кечиришмоқда. Ферузахон – болалар шифокори, у республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида педиатр.

Кенжা қиз – Дилфузахон ҳаммадан ўтди. У – Тош МИни битирган, ҳамманинг соғлиғи ҳақида қайғуради. Яқинда Англияда ўқиб, умумий амалиёт шифокори бўлиб қайтди. Умр йўлдоши – Зикрилла, фарзандлари талаба Зиёдулла, Моҳира ва кенжатои Зиёвиддинларни суюб яшайди. У бизнинг бош маслаҳатчимиз, опа-ака, ҳатто келинойилар ҳам у чизган чизиқдан чиқмаймиз. Бизни бирлаштирадиган, ота ҳовлида йигиб дийдорлаштирадиган ҳам – Дилфузахон.

ҚАЛБЛАРДА ЎЧМАС ЧИРОҚЛАР

Гўзал туйғулар куйчиси Фузулий ёзмишлар:

Муҳаббатсиз кишининг кўнгли қищдир, асли ёз ўлмас...

Кўзлари доим кулиб тургувчи Зоирхон Жалиловнинг кўнгли ҳамиша баҳор, ёз каби нурафшон, ҳароратли эди. Унинг қадами етган жой гулзор, боққа айланарди.

Тошкент туманининг собиқ Охунбобоев номли жамоа хўжалиги худудида яшовчи ёши улуғлар 1963-1988 йилларда хўжаликка раҳбар бўлган Зоирхон акани ҳамон эҳтиром билан эслайдилар. Қишлоқдаги энг катта мактаб, ҳаммом, иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик қурилишида ташкилотчи, раҳбар бўлганди.

— Янгаликка ўч одам эди,— деб эслайди туман мәҳнатни муҳофаза қилиш ва ижтимоий ҳимоя бўлими бошлиғи Рус-там Акбаров.— Бир йили Болгарияда бўлиб келди, аслида, дам олгани боришганди. Сафардан катта дафтари тўлдириб қайтди. У ернинг экинлари, мева-чевалари, об-ҳавоси-гача ёзилганди. Ўша йили хўжаликда биринчи марта плен-ка тагига экин экиб, ҳар йилгидан эрта кўчатлар етиштир-дик. Зоирхон ака бу усулни Болгарияда кўриб, қонун-қоидаларини ўрганиб келган экан.

Ҳақиқатан ҳам, инсон ҳаёти учун ердан ҳам беминнатроқ саҳоватпеша бўлмаса керак. Шу боисдан эл фаровонлиги, дастурхонлар тўкинлиги, юрт ободлигини ўйлаган одам аввало ерни тўйдирди, унинг ҳар қаричини қадрлайди.

— Зоирхон ака қишлоқни, хонадонларни гулзор, мева-зор, соя-салқинли дарахтзор бўлиши учун одамларни рағбатлантиради, — дейди шогирди Искандар Фозилов.— Неча ўн йиллар давомида қаровсиз ётган қабристонларни ҳам обод қилиб, кексаларнинг дуосини олган.

— Туғилиб ўсан ҳовлимиз мисоли бир боғчага ўхшайди, — ҳикоя қиласи кенжা ўғил Шавкатхон. — Тошкентда бодом ўсмайди, дейишади, бизнинг ҳовлимизда бодом шифил мева қиласиди. Ўша пайтларда фақат бизницида хурмо дарахти бор эди. Уларнинг ҳаммасини дадам ўз қўллари билан экканлар. Кейинчалик етти фарзанд улгайиб уйлижойли бўлганимиздан сўнг бизнинг хонадонларимизга ҳам Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик иммий ишлаб чиқариш бирлашмасидан ҳар хил мевали дарахтларни олиб келиб ўтқазиб берганлар. Баракали қўлнинг хосиятиданмикин, дадам эккан олхўри дарахтларининг ҳамма меваси қўшалоқ бўлади.

Зоирхон Жалилов фарзандларини жуда ёшлигидан китобга, адабиётга муҳаббатли қилиб ўстирди.

— Дадам жуда кўп китоблар олиб келардилар, — деб эслайди Ферузахон.— Тўғри, уларнинг ҳаммасини ўқиб чиққани ҳар доим ҳам вақтлари бўлмасди. Лекин биздан ўша китобларнинг мазмунини сўрардилар. Ҳозир ҳаммамизнинг уйимиздаги энг като бойлигимиз — китоблар. Дадам ҳатто

8-синфни битириб, уруш йилларида ўқиши давом эттиришга имкониятлари бўлмаган ойимни ҳам ашаддий китобхонга айлантирганлар.

Ҳа, етмишдан ошган Маъфиратхон ойининг бирор кунлари китоб мутолаасисиз ўтмайди. Шунчаки вақтни ўтказиш ёки воқеаларга қизиқиб эмас, балки ҳар сатрнинг магзини чақиб ўқидилар. Онаизор-да! Ҳаттоқи ўқиган китоблари, мақолаю хабарлар қайси фарзандларига керак бўлишини ўйлаб, саҳифа четига қайд қилиб қўядилар. Табобатга оид маслаҳатларга ихлос билан амал қиласдилар.

Зоирхон Жалиловни элга суюкли, ҳурматли қилган фазилатларидан бири самимилиги, одамшавандалиги эди.

– Ўша пайтларда кўпчилик оилавий муаммоларини ҳал қилишда ёки маслаҳатли ишлари бўлса ҳам дадамнинг олдиларига келишарди, – деб хотираларга берилади Равшанхон.
– Дадам айвонимизга чиройли жой қилдириб, чиройли гилам солдириб кутардилар, ҳеч бир одамни ноумид қайтармасдилар. Буни уларнинг кайфиятидан сезиш қийинмасди.

Фарзандларнинг ҳаммаси олий маълумотли мутахассис бўлиб етишдилар. Аммо улардан бирортаси ҳам “фалончи раиснинг боласи” эканлигини айтишига рухсат йўқ эди.

– Университетнинг юқори курсида ўқиётганимда устозларимдан бири дадам ҳақларида эшитиб қолибди-ю, уйнимизга ёки дадамнинг иш жойларига бориш нияти борлигини айтди, – деб эслайди Маҳмудаҳон Валиева. – Дадам бу гапни эшитиб, ўзлари ўқитувчимизни йўқлаб бордилар. Маълум бўлишича, устознинг торгина ҳовлилари бўлиб, серфарзанд эканлар, дадамдан ер сўраганлар. Лекин ўша пайтларда одамларга ер беришнинг иложи йўқлигидан дадам бу гапни очиқ айтганлар. Эртасига мен ўша ўқитувчимнинг фанидан имтиҳон топширгани кирдим. Тўғриси, яхши баҳо қўймасалар керак деб ўйладим. Аммо устозимиз ҳатто битта савол ҳам бермай, “аъло” баҳо қўйдилар. Мен бу ҳолдан бадтар ҳаяжонланиб: “Дадам ер беролмас эканлар, дома, мендан сўранг,” – дебман. Шунда устозимиз: “Мен сенинг яхши ўқишининг биламан. Агар ҳозир саволлар берсан ўқитувчим мендан атайлаб сўрайпти”, – деб ўйлашинг

мумкин,” – дегандилар. Дадам бу воқеадан жуда таъсирланғандилар, кейинчалик имкон топиб бу муаммони ижобий ҳал қилиб бердилар.

Баъзилар раҳбарлик лавозимида ишлаганларнинг кўпчилиги фарзанд тарбияси учун вақти йўқлигини айтади. Аслида, тарбия усули фақат юзма-юз ўтириб олиб насиҳат қилиш, ақлли гапларни айтишдангина иборат эмас.

Романлар, азизлар, ақл ўргатманг.
Ақл ўргатсангиз келади ғашим.
Гарчи чорак аср умримдан шодман,
Лекция тинглашга етган бардошим.
Сиз фақат қалбимга гапириング, дейман,
Ишқ изҳор этгандай сеҳрли, секин.
Гапиринг, тунлари бедор тинглайман.
Кўзимга кўз тикиб ўргатманг лекин. –

деб ёзғандилар хассос шоира Саида Зуннунова.

Чиройли, атрофдагилар ҳавасини келтирадиган ибрат ҳам кўнгил изҳоридек, дилга йўл топишдек гап. Аёлнинг, онанинг улуғлигини, чин эъзозни фарзандлар жуда ёшликларидан бошлаб ўз оталаридан ўргандилар.

– Менга уйда ўтирадиган, вазифаси фақат уй юмушларию бола боқиши бўлган аёл деб қарамасдилар. – деб миннатдорчилик билан эслайдилар Маъфиратхон ойи. – Меҳмонга, дам олишга борсалар, албатта олиб кетардилар. Ярашиқли кийиниб, сочларимни чиройли турмаклаб юрishiшими хоҳлардилар. Бир куни қизиқ бўлган: дам олиш уйига боргандик, сартарош хотин чақириб, йўқ дейишимга қарамай, сочимни ажабтовур турмаклаб қўйди. Билсам, дадаси унга шуни тайинлаган эканлар. Ноқулай бўлса ҳам, дадасининг сазаси ўлмасин, деб қўнғирофу жингалаклар қилиб шиширилган соч билан ташқарига чиқдим. Мени кўрдилар-у, аҳволимни тушундилар шекилли: “Майли, майли, ўз билганингизча қилинг”, – дегандилар.

Қизиқ, баъзилар кўз олдида турган нарса, кимсаларни ҳам унутадилар. Инсонлар бўладики, ҳаётнинг ҳамма жабҳасида бирдек фаол яшайдилар, уйғоқ қалблари сайё-

радан сайёрага интилган каби қалбларга талпинади. Зоирхон Жалиловнинг иш юзасидан ёки меҳнат таътилида сафарларда бўлган пайтларида уйига ёзган хатларини ўқиркансиз, оила бошлиғи, ота, жондош-жигар сифатида ҳаммани ҳар куни дилидан ўтказиб турганини англаш қийин эмас. “Ассалому алайкум” деб бошланадиган мактубларнинг барчасида албатта фарзандларига қарата: “Бевақт юрманглар, уй ишларига ёрдамлашинглар. Дўст-дushman орасида аҳил яшанглар”, – қабилидаги гаплар ёзилиб, қариндошларга номма-ном салом айтиларди.

Бугун Зоирхон Жалиловнинг фарзандлари ўқитувчи, шифокор, муҳандис, иқтисодчи, ветеринар бўлиб элга хизмат қилишаяпти. Улар орасида Халқ маорифи аълочиси, Халқ таълими фидойиси, “Ижодкор ўқитувчи” увонига сазовор бўлган, “Софлом авлод учун” ордени соҳиби Маҳмуда Валиева каби илфор замондошларимиз бор. Отасининг энг эзгу тилакларидан бири ўғилнинг тақдирида рӯёбга чиққан бўлса, ажабмас. Ҳозир у ер эгаси, собиқ Охунбобоев жамоа хўжалигининг иссиқхонаси Зоирхон Жалилов номидаги фермер хўжалигига айлантирилиб, Авазхон Жалилов уни бошқармоқда.

Раҳматли Баҳринисо буви 90 ёшни қоралаганларида ҳам токи ўғиллари Зоирхон ишдан қайтмагунча, ярим тунларда ҳам кўзларини юммай ўтирадилар. Ўғиллари ҳам токи она дуосини олмагунча остоидан ташқарига қадам босмасди. Сулоланинг кейинги авлодлари учун ҳам бу гўзал одат анъанага айланган. Ўғиллар эрталаб албатта Маъфират ойининг фотиҳасини оладилар, келинлар токи умр йўлдошлири эл-юрт хизматидан қайтмагунча хонадон чирогини ўчирмайдилар.

Ҳаётдан эрта кетган Зоирхон Жалиловнинг қалблардаги ёрқин хотираси – ёниқ чироги шулар эмасми?..

*Муҳтарама УЛУФ,
Республикада хизмат кўрсатган
маданият ходими*

СҮНГ СҮЗ

Отамиз жаннати инсон эдилар. У киши тўғрисида қўлдан келганча ёзdim. Отамнинг яқин дўстлари, хона-донимизнинг азиз кишилари, қуда-андалари, жиянларининг ҳар бири ўзгача олам, улар ҳақида ҳам истаганча сўз айтиш мумкин эди, аммо ҳаммаларига тўхтала олмаганим учун узр. Жонли хотираларим, ички кечинмаларимга таяниб ёзган мухтасаргина бу китобим отамиз руҳларини шод этиш учун чоп этилаётганини зътиборга олиб, муаллифни авф этсинлар.

МУНДАРИЖА

Сүз боши 3

I БҮЛІМ

ФАРЗАНДЛАРТАЛАР ҲАҚИДА

Таскин	5
Хурматта лойиқ инсон	14
Сұнгти учрашув	15
Биз ҳам шуни истаймиз	17
Инсон бўлсанг шундай яшаки..	18
Биринчи саҳифага мактуб яна бир хайрли иш	20
Ҳамқишлоқлари қалбida	21
Чеҳраси кўнглимда	22
Мангулик бунёдкори	24
Дарёдил инсон эди	25
Ака-ука эдик	29

II БҮЛІМ

ОТАМНИНГ ДҮСТЛАРИ ҲАҚИДА ОЧЕРКЛАР

Үлимларни қолдириб доғда	31
Оқибатли дүстлар	31
Умр йўлининг ёрқин саҳифалари	32
Ой бориб, омон қайт	32
Ибратли авлод вакили	34
Ҳаёт зарварақлари	35
Кўпчиллик берган баҳо	35
Умр йўллари	35
Етти келин парвона	37
Мақоладан сўнг	38
Жаннат бу — боғдир	39
Садоқатнинг сеҳрли сурати	44
Одил киши ойдай, оқиб турган сойдай	48
Томчилардек саноқсиз	48
Ота-она дуоси — ўтга, сувга ботирмас	49
Ҳар соҳадан бир шингил	50
“Қалбимда тиклаган яшил туғимсиз”	52

III БҮЛІМ

ХОТИРА ҲАМИША ҮЙФОҚ

Номингиз тиллардан тушмайди мудом	55
Армоним маним	57
Топилганига қувон	62
Оқил шогирд — бошдаги тож	64

IV БҮЛЛИМ

Меҳрингиз құмсайман, отажон	67
Отам хотирасига	68
Құмсаш	69
Онажоним	71
Сабрдандир тупроғинг сенинг	72
Айланай	73
Оила аъзоларимиз ҳақида	74
Онажоним – Каъбам менинг	74
Қизлар, қизлар, жон қизлар	76
Қалбларда ўчмас чироқлар	77
Сүнг сўз	82

Адабий-бадиий нашр

МАҲМУДА ВАЛИЕВА

ОТАМ ЯШНАТГАН БОГЛАР

Муҳаррир Заҳро ҲАСАНОВА

Бадиий муҳаррир Баҳриддин БОЗОРОВ

Техник муҳаррир Елена ДЕМЧЕНКО

Мусаҳдиқ Дилдора ЭШОНХЎЖАЕВА

Компьютерда саҳифаловчи Феруза БОТИРОВА

Босишга 3.04.2007 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоги 2,375. Шартли босма тобоги 3,99.

Адади 500 нусха. Буюртма № 94.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлилар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс - 173-00-14; e-mail: yangiasravlodij@mail.ru